

## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

---

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг  
давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

*5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (роман-герман филологияси)*  
бакалаврият таълим йўналишининг давлат таълим стандарти

Расмий нашр

## ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ УЗБЕКИСТАНА

---

Государственные образовательные стандарты  
непрерывного образования Узбекистана

Государственный образовательный стандарт высшего образования

Государственный образовательный стандарт направления образования  
бакалавриата *5111400 – Иностранный язык и литература (романо-  
германская филология)*

Издание официальное

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент

## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

---

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг  
давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

*5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (роман-герман филологияси)*  
бакалаврият таълим йўналишининг давлат таълим стандарти

Расмий нашр

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент

**СЎЗ БОШИ****1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази;
- Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

**2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил «10» сентябр даги 84 - сон буйруғи.

**3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги.

**4. ИЛК БОР КИРИТИЛГАН.**

*Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда қўлланилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) ва унга ўзгартиришлар киритилиши тўғрисидаги маълумотлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этилувчи кўрсаткичларда чоп этилади.*

Мазкур стандартни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир

U'ZSTANDART AGENTLIGA  
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT  
KAZORATI VA NUVOFIQLASHTIRISH VA  
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI  
JORIY ETISH BOSHQARMASI

## МУНДАРИЖА

	bet
1. Davlat taъlim standartini ishlab chiqish asoslari .....	1
2. Kўllanish sohasi .....	2
3. Atamalar, taъriflar, kiscartmalar .....	3
4. Taъlim йўналишининг tavsifi .....	4
5. 5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг tavsifi .....	6
6. Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига кўйиладиган талаблар .....	8
7. Taъlim dasturlarining mazmuni va komponentlari .....	26
8. Бакалаврият таълим dasturlarini ўzlashtirish бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар .....	33
8.1. Бакалаврият таълим dasturlari ўzlashtiriliшига белгиланган умумий талаблар .....	33
8.2. Taъlim dasturlarining tatbiq etiliши .....	34
8.3. Mалака амалиётини tashkil etish талаblari .....	34
8.4. Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар .....	35
8.5. Taъlim жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаblari .....	35
8.6. Ўқув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар .....	36
9. Бакалавр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш .....	36
10. Эслатма .....	37
11. Davlat taъlim standartining амал қилиш муддати .....	37
12. Илова .....	38
13. Библиографик маълумотлар .....	39
14. Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари .....	40

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**

**Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг  
давлат таълим стандартлари**

**Олий таълимнинг давлат таълим стандарти  
5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (роман-герман филологияси) бака-  
лаврият таълим йўналишининг давлат таълим стандарти**

**Государственные образовательные стандарты  
непрерывного образования Узбекистана**

**Государственный образовательный стандарт высшего образования  
Государственный образовательный стандарт направления образования  
бакалавриата 5111400 – Иностранный язык и литература (романо-  
германская филология)**

**State Educational Standards of Continuous Education of Uzbekistan**

**State Educational Standards of Higher Education**

**State Educational Standard of Bachelors on 5111400 – Foreign language and  
literature (romance-germanic philology)**

Амал қилиниши «20» 09 2014 йилдан

**1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари**

Мазкур мутахассислик бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда қуйидаги ҳужжатларга асосланildi:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизimini дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги 4- сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5 – сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 20 июлдаги 341-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 18 июлдаги “Янгиланган «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари

3020 son bilan  
18.09 2014 yilda  
Davlat ro'yxatiga olindi

Классификатори»ни ижро ва амалда фойдаланиш учун қабул қилиш тўғрисида»ги 302-сонли буйруғи.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдага “Давлат бошқарув соҳасида кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4435-сон Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 8 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 190-сонли буйруғи.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 4 июлдаги 281–сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Классификатори”.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 29 октябрда тасдиқланган 418-сонли буйруғи (“Магистратура тўғрисида Низом”, Адлия Вазирлигида 2012 йил 18 декабрда 2405-рақам билан рўйхатдан ўтган).

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 ноябрдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 446-сонли буйруғи.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 14 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 158-сонли буйруғи.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 23 майдаги “Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1971-сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги 124-сонли Қарори.

19. Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR – Common European Framework of Reference).

20. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида ЎРҚ-342-сон 2012 йил 24 декабрь.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрь “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 365-сон Қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 199-сонли Қарори.

## 2. Қўлланиш соҳаси

2.1. Олий таълимнинг ушбу давлат таълим стандарти (ОТ ДТС) *5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (роман-герман филологияси)* таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди. ДТСни ишлаб чиқишда Европа Кенгашининг “Чет тилини

эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэтироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR – Common European Framework of Reference) ва “Таълимнинг барча босқичи битирувчиларининг чет тиллари бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар” (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 8.05.2013 йилдаги 124-сонли қарорининг 1-иловаси) эътиборга олинган.

2.2. Олий таълим муассасаси мазкур таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ДТС асосида таълим дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

2.3. ОТ ДТСнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши ва тайёргарлик даражаси бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъуллар – олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- таълим йўналишини ихтиёрий таялаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

### 3. Атамалар, таърифлар, қисқартмалар

Мазкур стандартда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда олий таълим соҳасидаги халқаро ҳужжатларга мос равишда атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

**касбий фаолият тури** – таълим йўналишига ўзгартишлар киритиш мақсадида касбий фаолият объектига таъсир қилишнинг усуллари, услублари ва тавсифи;

**компетенция** – тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, қўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи;

**модуль** – тарбиялаш ва ўқитишга йўналтирилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантикий тугалланганликка эга бўлган ўқув фани (курси) ёки ўқув фанлари (курслари)нинг маълум бир қисми;

**таълим йўналиши** – муайян фаолият доирасидаги турли даражадаги таълим дастурларининг мажмуи;

**касбий фаолият объекти** – предметлар, воқеликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида ҳаракатга йўналтирилган тизимлар;

**касбий фаолият соҳаси** – илмий, ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқаришда намоён бўладиган касбий фаолият объектларининг мажмуи;

**бакалаврият** – олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган таянч олий таълимдир;

**бакалаврият таълим дастурлари (бакалаврият дастури)** – ўқув фанларининг бакалаврият йўналишларига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминловчи блоklarга жамланган рўйхати;

**ўқув-ўрганиш натижалари** – ўзлаштирилган билимлар, амалий малакалар, қўникмалар мажмуи;

**Ўқув цикли** – мос илмий ёки касбий фаолият доирасидаги билимлар ва амалий малакаларни ўзлаштириш ва кўникмаларни шакллантиришни таъминловчи таълим дастурларидаги фанларнинг бир қисми.

**ДТС** – Давлат таълим стандарти;

**АРМ** – ахборот ресурс маркази;

**ИТИ** – илмий тадқиқот институтлари;

**ОТМ** – олий таълим муассасаси;

**CEFR** – чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш.

#### 4. Таълим йўналишининг тавсифи

**4.1. 5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (роман-герман филологияси)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг таълим дастури амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

**4.2.** Таълим дастурининг меъёрий муддати ва мос малака (даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Таълим дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малакаси

Таълим дастурининг номи	Малака (даража)	Таълим дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриятнинг таълим дастури	Бакалавр	4 йил

#### 5. 5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи

##### 5.1. Бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

**5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (роман-герман филологияси)** – мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, умумий ўрта, ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими тизимининг ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, умумий ўрта, ўрта-маҳсус касбий таълимнинг давлат ва нодавлат муассасаларида комплекс масалаларни ечиш.

**Бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

- касбий таълим дидактикасини таълим жараёнида қўллаш;
- касбий таълим педагогикаси, ташхис технологияси ва усулларини ишлатиш;
- ўқитишнинг дидактик воситаларини қўллаш орқали таълим жараёнини ташкил этиш;
- ҳозирги ва классик адабий жараёнларни ва турли жанрга мансуб бадний асарларни таҳлил қилиш;
- чет тилдан она тилига, она тилидан чет тилга турли матн ва нутқларни оғзаки ва ёзма шаклда, тўғри ва сифатли таржима қилиш;
- мактабгача таълим, умумтаълим муассасалари, академик лицей, касб-хунар коллежи ва бошқа таълим муассасаларида чет тиллардан дарс бериш;
- мактабгача таълим, умумтаълим муассасалари, академик лицей, касб-хунар коллежларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига қўмақлашиш (ўқув

персонали), тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни эгаллаш ва татбиқ этиш;

- таълим тизимида кабинет мудири, методист, лаборант ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;

- ижтимоий-гуманитар йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш.

- архивларда, ахборот-ресурс марказларида маслахатчи-методист; нашриётларда, оммавий-ахборот муассасаларида мухаррир, мусаххих; қўлёзма фондларида, турли тадбиркорлик субъектларида, нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотларида ҳамда бошқа муассасаларда ишлаш;

- муассаса ва ташкилотларда турист йўл бошловчиси (гид), ҳаво йўлларида сервис ходими, турли фирма ва меҳмонхоналарда ишлаш;

- маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишлаш.

### 5.2. Бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:

5111400 – *Хорижий тил ва адабиёт (роман-герман филологияси)* таълим йўналиши бакалаврларининг *касбий фаолияти объектлари* – мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, ўқувчилар, ўқув-тарбия жараёни, ўқитишнинг педагогик технологиялари, чет тил ўқитиш методикаси, асосий ўрганилаётган тилнинг назарий ва амалий асослари, луғат бойлиги, мазкур тилларда илмий ва бадиий адабиётларни ўқиш, оғзаки нутқ малакасини орттириш; асосий тил сифатида ўрганилаётган халқ адабиёти, унинг тарихи ва ҳозирги ҳолати, назарий масалалари; адабий алоқалар, матн таржимаси, дарс бериш маҳорати, нутқ маданияти тамойиллари кабилардан иборат. Чет тили таълими жараёнлари; таълим тизими ўқув-тарбия жараёни; ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари; чет тилини ўқитиш методикаси; роман-герман тилшунослиги ва адабиётшунослиги; тилшунослик ва адабиётшунослик соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари; адабиёт назарияси, адабиётшунослик тарихи, халқ оғзаки ижоди, ифодали ўқиш, нутқ маданияти ва услубияти; мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; маънавий-маърифий тарғибот ишлари соҳаси; мухаррирлик ва мусаххихлик; чет тили ихтисослиги бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари.

### 5.3. Бакалаврларнинг касбий фаолиятининг турлари

▪ *мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта-махсус, касб-хунар таълими тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасаларида педагогик фаолияти;*

▪ *тарбиячилик фаолияти;*

▪ *маънавий-маърифий фаолияти;*

▪ *ўқув-методик фаолияти;*

▪ *илмий-тадқиқот фаолияти;*

▪ *таржимонлик фаолияти;*

▪ *маъмурий бошқарув фаолият ва шу кабиларни ўз ичига олади.*

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятнинг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

### 5.4. Касбий мослашиш имкониятлари

Қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг умумий ўрта, ўрта махсус, касб хунар таълим муассасаларида иккинчи хорижий тил фанини ўқитиш.

### 5.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5111400 – *Хорижий тил ва адабиёт (роман-герман филологияси)* таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин 5A111401 – *Хорижий тил ва адабиёт (роман-герман филологияси)* мутахассислиги ҳамда турдош таълим йўналишларининг магистратура мутахассисликлари бўйича таълимнинг ваколатли

бошқарув органлари томонидан аниқланадиган икки йилдан кам бўлмаган муддатда магистратурада ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, беш йиллик амалий иш стажига эга бўлган бакалавр уч йилдан кам бўлмаган муддатда олий таълим муассасаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларида катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил изланувчи сифатида ўқишни давом эттириши мумкин.

Педагогик фаолиятни олиб борганда ўз малакасини ҳар уч йилда ошириб туриши керак.

## 6. Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

6.1. 5111400 – *Хорижий тил ва адабиёт (роман-герман филологияси)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

### а) умумий талаблар:

– дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

– Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиклол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

– табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

– инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

– ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган билиши ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

– тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш уқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

– интеллектуал, маданий, маънавий, жисмоний ва касбий ўз-ўзини ривожлантириш ва такомиллаштириш қобилиятига эга бўлиши ва бу қобилиятни амалда қўллай олиши;

– тарихий мерос ва маданий анъаналарга ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиши, ижтимоий ва маданий фарқларни толерантлик билан қабул қилиши;

– тарихий жараённи юритувчи кучларни ва унинг қонуниятларини тушуниши; тарихда зўравонлик ва зўравонлик қилмасликнинг ролини, тарихий жараёнда, жамиятнинг сиёсий тузилмасида инсоннинг ўрнини тушуниши;

– дунёқараш, ижтимоий ва шахсий каби аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;

– ўз фаолиятида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиши;

– ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар ва мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолда мақсадга эришишда қатъият кўрсатиши;

– фикрлаш маданиятини эгаллаган бўлиши, оғзаки ва ёзма нутқини ососланган ҳолда аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши;

– эгалланган тажрибани танқидий кўриб чиқиш қобилияти, зарур бўлганда ўз касбий фаолиятининг тури ва характерини ўзгартириши;

– ҳаёт фаолияти хавфсизлиги шароитларини умумий баҳолашга қобил бўлиши, ишлаб чиқариш ходимлари ва аҳолини бўлиши мумкин бўлган ҳалокатлар, талофатлар, табиий офатлардан ҳимоя қилиш асосларини ва шикастлашнинг замонавий воситаларини қўллаши, улар оқибатларини бартараф қилишнинг асосий тадбирларини қўллай билиши;

– касбий фаолиятда табиий-илмий фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиш, назарий ва экспериментал тадқиқот методларини қўллаш қобилиятига эга бўлиши;

– бугунги замонавий ахборот технологиялари даврида жамиятнинг ривожланишидаги ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, бу жараёнда вужудга келадиган хавф ва таҳдидларни англаш, информацион хавфсизликнинг асосий талабларига, жумладан давлат сирини ҳимоя қилиш талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши;

– интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий методлари, усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

– мустақил равишда жисмоний тарбия ва соғлиқни мустаҳкамлашдан методик тўғри фойдаланиш воситаларини эгаллаган бўлиши, тўлақонли ижтимоий ва касбий фаолиятни таъминлаш учун жисмоний тайёргарликнинг керакли даражасини эгаллашга тайёр бўлиши керак.

#### **Бакалавр:**

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланади.

**б) Чет тили бўйича битирувчилар тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар (C1 даража) талаба умумлингвистик компетенциясига қўйилган талабларни ишлаб чиқишида “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” стандартлари (CEFR) инобатга олинди.**

Умумлингвистик компетенциялар битирувчининг турли коммуникатив стратегияларда тўлақонли мулоқот ўрната олиш компетенциясини мукамаллаштириш вазифасини бажаради.

*Лингвистик компетенция қўйидаги жиҳатларни ўз ичига олади:*

**Умумлингвистик жиҳат:** битирувчи мулоқот вазиятида мулоқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўзи ифода қилмоқчи бўлган ҳар қандай фикрни тил бирликларидан ҳеч қандай чеклашларсиз фойдаланиб, эркин, раво ифодалай олиш;

**Луғат бойлиги жиҳати:** битирувчи тил луғат бойлигининг турли мавзу ва услубий қатламларини ташкил қилувчи элементлардан қийинчиликсиз фойдалана олиш, зарур ҳолларда яқин бўлган тушунчаларни ифодалаганда такрорлар бўлмаслигини таъминлаш учун тилда мавжуд бўлган маънодош сўзлардан, идиоматик ва тургун иборалар ҳамда сўзлашув нутки унсурларидан фойдалана олиш;

**Нутқнинг грамматик тўғрилиги:** битирувчининг нутки юқори даражада грамматик жиҳатдан тўғри бўлиши керак. Грамматик хатоларга йўл қўйилмайди. Битирувчи ҳатто мураккаб грамматик шакл ва қурилмалардан ҳам ўз нутқида фойдалана олиш;

**Нутқнинг фонологик жиҳати:** битирувчи ўзи ифода қилмоқчи бўлган фикрнинг барча бўёқлари билан ёритиб бера олиш учун интонациянинг турли кўринишларидан самарали фойдалана олади ва гап урғусини турли ўринларга жойлаштира олиш;

**Нутқнинг орфографик жиҳати:** битирувчи матнни мантикий ташкил этиш, имло хатоларга йўл қўйилмаслигини таъминлай олиш *малака ва кўникмаларига эга бўлиши керак.*

Нутқий фаолият турлари бўйича қўйиладиган талаблар қўйидаги шаклда бўлади:

**Тинглаб тушуниш**

- ўз мутахассислик соҳаларига оид бўлмаган абстракт ва мураккаб мавзулардаги кенг кўламли нутқларни айрим жиҳатларини ойдинлаштириб олиш зарурати тугилса, айниқса сўзловчининг талаффузи ноаниқ ёки тил диалекти нотаниш бўлган ҳолларда ҳам тушуна олиш;

- кенг кўламдаги идиоматик ва оғзаки нутқ ибораларини фарқлай олиш ва ижтимоий муҳитга мос тарзда тилнинг ўзгариш хусусиятини тушуна олиш;

- кенг кўламли нутқларни аниқ тузилмаган ҳолларида ҳам тушуниш ва улардаги очиқ ойдин ва яширин фикрларни ҳам етарли даражада англай олиш;

- муҳокама ва дебат иштирокчилари ўртасидаги мураккаб мулоқотни мавзулар бирмунча мавҳум ёки нотаниш бўлган ҳолларда ҳам осонлик билан тушуниш;

- катта ҳажмдаги, тилнинг айрим ностандарт ишлатилиш ҳолларини ҳам ўз ичига олган аудио тасма ва ахборот материалларини тушуна олиш ва сўзловчилар ўртасидаги бирмунча яширин қарашлар ва муносабатлар, кичик деталларнинг ҳам муҳим жиҳатларини аниқлай олиш;

- сленг ва идиоматик иборалар ишлатилган фильмлар мазмунини қийинчиликсиз англай олиш;

- сифат жиҳатдан бирмунча ёмон, овоз эшитилиши ноаниқроқ бўлган оммавий эълонлардан (масалан, темир йўл вокзали, спорт майдончасидаги эълонлар каби) тегишли маълумот ола билиш;

**Диалог**

- илмий ва ижтимоий соҳага оид конференция, давра суҳбатлари, мунозара (жонли ёки воситали) ларда мулоқотни бошлаш, олиб бориш ва яқунлай билиш;

- фикрларни аниқ ифодалаган ҳолда муҳокамаларда фаол қатнаша олиш;

- вазиятга мос тарзда тилни мослаштира олиш;

- ўз расмий нуктаи назарини ишонч билан илгари сурган ҳолда қарши томоннинг мураккаб савол ва шарҳларига мос равишда раво ва спонтан тарзда жавоб бера олиш;

- семинар ва муҳокамаларда сўраш, ойдинлик қиритиш, нутқни бўлиш ва тўлдириш стратегияларини мос равишда қўллай олиш;

**Монолог**

- соҳага оид мавзулар бўйича презентация ва маърузалар қила олиш;

- объект, субъект, вазият ва ҳодисаларни батафсил тасвирлай олиш;

- маъруза, муҳокама ёки мақолага тўғри ва раво тарзда хулоса қила олиш;

- илмий нуктаи назар ёки фикрни ривожлантириш, далиллар келтириш орқали асослай олиш;

**Ўқиш**

- ўз мутахассислик соҳаларига оид ёки оид бўлмаган катта ҳажмли, мураккаб матнларнинг услубий жиҳатларини аниқлаш, улардаги очиқ-ойдин ёки бирмунча яширин баён этилган фикрларни тушуна олиш;

- кичик деталларнинг ҳам муҳим жиҳатларини англай олиш;

- ўз мутахассислик соҳаларига оид вебсайт ёки журналлардан тегишли тафсилотларни ола билиш;

**Ёзиш**

- барча турдаги хатларни ёзиш;

- барча турдаги иншоларни ёза олиш;

- танлаган мавзулари бўйича илмий ишни (БИ, МД) ёза олиш;

- соҳага оид мақолалар ёза билиш;

- соҳага оид ва оид бўлмаган адабиётлар (мақолалар, китоблар, битирув иш) таҳлилларини ёза олиш;

- соҳага оид ва оид бўлмаган адабиётлар (бирламчи ва иккиламчи манбалар)га аннотациялар ёза олиш;

- турли илмий материалларга хулоса ёза олиш;

- тезис ва конференцияда қатнашиш учун таклиф ва мушоҳадаларини ёза олиш;
- грант ва стипендиялар учун таклиф ва аризалар ёза олиш;

**Тил компетенцияси:**

**Лексик компетенция**

- мавзуларга оид лексикани ва соҳага оид атамаларни бойитиб бориш;
- сўз яшаш моделлари асосида сўзлар ҳосил қила олиш;
- кенг қўламли сўз бойлигига эга бўлган ҳолда мулоқотдаги бўшлиқларни тўлдиролуш;
- идиоматик ва оғзаки нутқ ибораларини қўллаш олиш;
- айрим кичик хатолардан истисно тарзда жиддий лексик хатоларга йўл қўймастик;
- мутахассисликка оид (чет тили ўқитиш ва амалий тилшунослик) ўрганилаётган чет тилидаги атамаларни яхши тушуниб, қўллаш олиш;

**Грамматик компетенция**

- махсус матнларда (масалан, тилшунослик ёки таржимага оид) грамматик структураларни қўллаш олиш;
- турли матнларнинг лингвистик ёки дискурс таҳлилинни қила олиш;
- коммуникатив вазиятларда мураккаб грамматик ва синтактик структураларни ишлата олиш;
- мос боғловчи сўзларни қўллаш олиш;
- ўз соҳаларига оид дискурс моделларинининг грамматик, лексик ва мазмун жиҳатдан қандай тузилганини тушуниш мақсадида таҳлил қила олиш.

**в) ижтимоий маданий ва дискурсив-стратегик компетенциялар, жумладан;**

**Ижтимоий лингвистик компетенция**

- баҳсли масалаларни ҳал қилиш учун етарлича тил воситаларига эга бўлиш;
- нутқий контекста тилнинг зарур воситаларини қўллаган ҳолда талаб қилиш, розилик ва эътирозни аниқ ифодалаш;
- мулоқотнинг расмий ва норасмий жиҳатдан ишончли бўлишига эришиш.

**Дискурсив компетенция**

- фан мазмуни асосидаги нутқий вазиятлар доирасида турли жанрдаги асарлар, аутентик касбий-йўналтирилган матннинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш.

**Стратегик компетенция**

- мулоқот жараёнида йўл қўйилган хато ва англашилмовчиликларни тузата билиш.

**Ижтимоий – маданий компетенция**

- фан мазмуни асосидаги касбий коммуникатив вазиятлар доирасида эквивалентсиз касбий сўзларни билиш ва уларни тушуниш;
- тили ўрганилаётган мамлакатда қўлланиладиган касбий фаолиятга тааллуқли сўзларни билиш;
- жамиятда қабул қилинган касбий мулоқот меъёрларига мувофиқ нутқий муомала ва одоб (этикет) қоидаларини қўллаш билиш.

**Ижтимоий компетенция**

- ўз касбий маҳоратини ошириб бориш;
- ҳамкасблар билан ҳамжиҳатликда ишлаш;
- инсонларга нисбатан ҳурматни ва бошқа маданиятга толерантликни сақлаш олиш;
- жамиятда қабул қилинган одоб-ахлоқ ва ҳуқуқий меъёрлар доирасида ҳамкорлик қилиш;
- ишончли ҳамкорлик, уни қўллаб-қувватлаш ва жавобгарликни ҳис этиш;

**Ўқиш ва билиш компетенцияси**

- мустақил ишлай олиш, турли иш шакллари ташкил этиш ва аутентик касбий манбалардан зарур маълумотларни олиш;
- касбий фаолиятни замонавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш.

**г) касбий талаблар:**

**Умумқасбий компетенциялар****Бакалавр:**

- мамлакатдаги турли фойдаланиш кўламига эга бўлган тилларга тизимли ва функционал тавсиф бера олиш;
- касбий фаолиятда ҳозирги ва тарихий адабий жараёнларни ва турли жанрга мансуб бадий асарларни таҳлил қила билиш;
- ўрганилган асосий ва иккинчи чет тилидан она тилига, она тилидан чет тилига турли матн ва нутқларни оғзаки ва ёзма шаклда, тўғри ва сифатли таржима қила олиш;
- мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида хорижий тиллар ҳамда тилшуносликка оид фанлардан дарс бериш;
- ўрганилаётган асосий ва иккинчи чет тил бўйича ҳамда тилшунослик соҳасида илмий изланишлар олиб бориш;
- шахс психологиясининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда турли муассасаларда туристик (гид), ҳаво кемаларида сервис ходими, турли фирма ва меҳмонхоналарда менежер хизматини кўрсата олиш;
- узлуксиз таълим тизими муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш (ўқув персонали), тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни эгаллаш ва татбиқ этишни билиш;
- фаолиятнинг ишлаб чиқариш ва технологик масалаларини фан ва техниканинг замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда илмий тадқиқ этиш, муаммолар ечимини топиш;
- инсон саломатлиги ва унинг ишчанлик қобилиятини асраш ҳамда меҳнат жараёнида хавфсизликни таъминлаш методи ва тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;
- тил ва адабиёт фанларини ўқитишда намунавий инновацион технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;
- электрон ўқитиш усулларини эгаллаш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиш;
- мустакил таълим ва илмий-иждоий кидирув ишлари натижасида ўқитилаётган фан бўйича педагогик фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориш.
- чет тили ва адабиёти тарихи, таълимоти, йирик намояндалари, тилшунослик ва адабиётшуносшуносликнинг фан соҳаси сифатида шаклланиши, ушбу соҳадаги турли мактаблар, олимларнинг концепция ва илмий ёндашувларини билиш;
- роман-герман тилшунослиги, умумий тилшунослик, чет тили тарихи, тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти тарихи, назарияси, жаҳон адабиётига оид билимларни эгаллаш, тил фанлари, адабиётнинг долзарб масалаларини илғай олиш ва ўқувчиларга етказа олиш;
- анъанавий ва ноанъанавий методлар, илгор педагогик технологияларни ихтисосликка мос фанларни ўқитиш чоғида танлай олиши, ўз фанида метод ва технологияларни иждоий қўллай олиши, фактларни таҳлил қилиши, умумлаштириш ва шу асосда хулоса чиқара олиш;

- ўқитишнинг илмий асосларини таҳлил қилиб бориши, методик бирлашмаларда умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими мазмунида фаннинг ўрнини белгилай олиши ва унинг илмий муаммолари бўйича педагогик ўқишларда маърузалар ўқиши, мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида дифференциал таълимни йўлга қўя олиши, ўқув жараёни билан боғлиқ барча ҳужжатларни юрита олиш;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиш;

- ахборотларни тўғри ифода этиш асосида мафкуравий иммунитетини шакллантириш *қобилиятига эга бўлиши лозим.*

**Мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта-махсус, касб-хунар таълими тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасаларида педагогик фаолиятда:**

- мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта-махсус, касб-хунар таълими тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасаларида чет тилларни ўқитиш;

- мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта-махсус, касб-хунар таълими тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноънанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

- ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиш;

- мустақил таълим ва илмий-иждодий тадқиқот ишлари натижасида ўқитилаётган фан бўйича педагогик фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

**тарбиячилик фаолиятида:**

- мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта-махсус, касб-хунар таълими тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасаларида тарбиячи бўлиб ишлаш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

**маънавий-маърифий фаолиятда:**

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиш, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиклол ғоясини сингдириш;

- ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиш;

- глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда миллий тил ва адабиётнинг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича яқка тартибда суҳбат ўтказиш;

- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-муруват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садокат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш *қобилиятига эга бўлиши лозим.*

**ўқув-методик фаолиятида:**

- мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта-махсус, касб-хунар таълими тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасалари ва унинг тармоқ бошқармаларида методист бўлиб ишлаш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

**илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- тил, адабиёт ва таълим технологиялари соҳасида илмий текшириш институтларида кичик илмий ходим, тадқиқотчи-изланувчи, намунавий методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш;

- илмий-техникавий хисоботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;

- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий обзорларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий семинарлар, илмий-техникавий конференциялар ишида маърузачи, муҳокамаларда катнашувчи ва референт сифатида иштирок этиш;
- илмий-техникавий ва соҳага оид журналларга мақола ва тақризлар тайёрлаш;
- интернет тармоғида энг янги илмий, адабий ва лисоний янгиликлар, янги педагогик технологиялар ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик соҳага мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш **қобилиятига эга бўлиши керак.**
- тилшунослик ва адабиётшуносликка оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганади;
- касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда катнашади;
- маълумотларни жамлайди, қайта тайёрлайди, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилади;
- гуманитар йўналишлар бўйича илмий текшириш муассасаларида кичик илмий ходим вазифасида ишлаш;
- матнларни нашрга тайёрлаш ва таҳрир қилиш, тақризлар ёзиш **қўникмаларига эга бўлиши керак.**

#### **таржимонлик фаолиятида:**

- маориф, маданият, туризм соҳаларида; турли давлат муассасаларида, меҳмонхона, қўшма корхоналар, фирмаларда иш юритувчи, референт вазифасида ишлаш олиш;
- давлат бошқарув тизимида фаолият юрита олиш;
- техник ва бошқа таржима турларини амалга ошириш;
- ўрганган тилларидан она тилига таржима қилиш;
- меҳмонхоналарда ва сайёҳлик фирмаларида менежерлик ва маъмурий ходим сифатида ишлаш;
- чет тилларни интенсив шаклда ўргатиш (қиска курслар);
- давлат ва давлатга қарашли бўлмаган хусусий ташкилотларда чет тиллардан таржимонлик қилиш;
- турли ҳажм ва мазмундаги иш қоғозлари билан ишлаш;
- бадий, илмий асарларни чет тилидан она тилига таржима қилиш каби касбий фаолият турларини амалга ошириш **қўникмаларига эга бўлиши керак**

#### **маъмурий бошқарув фаолиятида:**

- тил ва адабиётга оид турли тадбир, анжуман ва маърифий суҳбатларни ташкиллаштириш ва бошқариш;
- АРМда ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар мониторинги ҳамда сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш.
- ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш **қобилиятига эга бўлиши лозим.**

- маориф, маданият, туризм соҳаларида; турли давлат муассасаларида, меҳмонхона, кўшма корхоналар, фирмаларда иш юритувчи, референт вазифасида ишлаш;
- давлат тизимининг барча бошқарув бўғинларида ишлаш;
- турли ўқув муассасалари, ташкилотларга раҳбарлик қилиш, таълим ва соҳа билан боғлиқ бошқа ишларни режалаштириш, уларни йўлга қўя билиш;
- янги технологиялар, таълимнинг замонавий усуллари асосида ўқитишни ташкил қилиш ва уларни бошқариш;
- таълим ва ўқитиш сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга татбиқ қила олиш;
- ўқув жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ташкилий ишларни режалаштириш;
- давлат бошқаруви тизимида ташкилот ва органларга раҳбарлик қилиш, жамоа бошқарувини йўлга қўйиш, меҳнат жамоалари ишини ташкил этиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

## **6.2. Таълим дастурлари бўйича билим, малака ва кўникмаларга қўйилган талаблар**

### **6.2.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича талаблар**

*Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар* блоқи бўйича талаблар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган «*Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар*» блоқи бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

### **6.2.2. Математик ва табиий-илмий фанлар бўйича талаблар**

#### **6.2.2.1. Олий математика асослари фани бўйича**

##### **Бакалавр:**

- дунёни билишнинг махсус усули бўлган математика, унинг тушунчалари ва тасавурларининг яхлитлиги;
- алгоритмлар назарияси;
- дифференциал тенгламалар;
- кўп ўлчамли евклид геометрияси;
- дифференциал ва интеграл ҳисоблаш назарияси;
- Олий математика асослари фанининг жамиятдаги роли *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- математик таҳлил, аналитик геометрия асосий тушунчалари ва методларини;
- асосий алгебраик тузилмалар, вектор, фазо ва чизикли акселантиришни;
- топология элементлари ва мантикий ҳисоблашларни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- объектларнинг сифат ва миқдор муносабатларини ифодалашда математик белгилардан фойдаланиш;
- дифференциал ва интеграл ҳисоблаш методларини қўллай олиш;
- эксперимент натижаларини қайта ишлашнинг статистик методларидан фойдалана олиш;
- математик атамаларни тушуна олиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### **6.2.2.2. Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича**

##### **Бакалавр:**

- ахборотларни йиғиш, узатиш, қайта ишлаш ва тўплаш жараёнлари;
- ахборотларни тарқатиш жараёнларида техник ва дастурли воситалари;
- технология, ахборот технологиялари тушунчалари, уларнинг кўринишлари ва классификацияси;
- замонавий ахборот технологиялари воситалари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- шахснинг ўқиш, тарбияланиш ва ривожланишда замонавий ахборот технологияларидан фойдалана олишини;
- педагогик дастурий воситаларни тайёрлашни;

- график ахборотларни тайёрлаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш технологиясини;
- мультимедиа технологиясини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- тармоқ технологияларидан тилларни ўқитишда фойдаланиш;
- интернет технологиясини хорижий тилларни ўқитишда қўллаш;
- хорижий тилларни масофадан ўқитиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### **Табиий-илмий курс**

#### **6.2.2.3. Ёш физиологияси ва гигиена фани бўйича**

##### **Бакалавр:**

- материя тузилишининг биологик шакли хусусияти, тирик системаларни қайта тиклаш ва ривожлантириш тамойиллари;
- биосфера ва унинг эволюцион йўналиши;
- тирик системалар яхлитлиги ва гомеостази;
- организм ва атроф-муҳитнинг ўзаро таъсири, организмлар ҳамжамоаси, экотизимлар;
- одам биосфераси ва ижтимоий биологияси бирлиги табиати нуктаи назаридан уларнинг касбий фаолиятидаги оқибатлари;
- организм ва муҳитнинг узвийлиги, экосистема, табиатни асраш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш;
- ер тараққиётида инсоннинг ўрни, ягона маданият парадигмаси ва ноосфера *хақида тасаввурга эга бўлиши*;
- инсон фаолиятига алоқадор турли илмий тамойилларни қўллашни;
- биосфера мўътадиллигида ижтимоий омилларнинг ролини;
- ёш авлодни тарбиялашда ёш физиологияси предметининг ўқув фанлари орасидаги ўрни ва мавқеини;
- болалар ва ўсмирлар психофизиологик хусусиятларини;
- ўқув жараёнига нерв системаси, физиологияси, олий нерв фаолиятида учрайдиган юқумли касалликларнинг таъсирини;
- ёш физиологияси фанининг асослари ва гигиена талабларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- ёш физиологияси бўйича билимларга таяниб, таълим-тарбия жараёнига илмий ёндашиш;
- болаларнинг ақлий ва жисмоний қобилиятларини ривожлантириш;
- гигиена талабларига риоя қилиш;
- ўқув муассасаларида санитария-гигиена талаб ва меъёрларга таянган ҳолда меҳнат ва дам олиш тартибини самарали ташкил қилиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### **6.2.2.4. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш фани бўйича**

##### **Бакалавр:**

- коинотнинг яхлит физик объект эканлиги ва унинг эволюцияси;
- табиий фанларнинг фундаментал (негиз бирлиги) табиатни билишнинг тугалланмаслиги, унинг янада тараққий этиши;
- табиатда дискретлик ва давомийлик;
- табиатдаги тартиблилик ва тартибсизлик орасидаги нисбат хақида, объектлар тузилишининг тартибга солинганлиги, уларнинг тартибсизлик ҳолатига ўтиши ва аксинча ҳолатлар;
- табиатнинг динамик ва статик қонунлари;
- табиий тизимнинг объектив тавсифи бўлган эҳтимоллик;
- табиатшуносликнинг турли бўлимларидаги ўлчамлар ва ўзига хослик;
- табиатшуносликнинг фундаментал константалари;
- симметрия тамойили ва табиатни асраш қонунлари;
- табиатдаги ҳолатлар ва унинг вақт ўтиши билан ўзгариб туриши;
- табиатдаги объектларнинг индивидуал ва коллектив *муносабатлари*;

- табиатшуносликда замон;
- табиатни муҳофаза қилишнинг экологик тамойиллари, табиатдан оқилона фойдаланиш, табиатни асрашга қаратилган технологиялар яратиш истикболли;
- табиатшуносликдаги энг янги кашфиётлар, улардан техник қурилмалар яратишда фойдаланиш истикболлари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- механика, электр ва магнетизм, тебраниш ва тўлқинлар, квант физикаси, статистик физика ва термодинамика, моддаларнинг реакцияга бардошлилиги, экологиянинг асосий тушунчалари, қонунлари ва моделларини;
- физика ва экологияда назарий ва экспериментал тадқиқотлар олиб бориш усуллари;
- физик ва биологик ходисаларнинг зарарли оқибатларидан атроф-муҳитни, инсонни муҳофаза қилиш усуллари ва методларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- содда физик, кимёвий ва биологик тизим моделларидан ўқув жараёнида фойдаланиш;
- экологик муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқлай олиш;
- ижтимоий-экологик мувозанат қондасини билиш;
- табиат муҳофазаси ва табиатдан самарали фойдаланишнинг экологик тамойиллари, табиатга зарар етказмайдиган технологиялар яратиш **қўникмаларига эга бўлиши керак.**

#### 6.2.2.5. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фани бўйича

##### Бакалавр:

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш;
- хавфсизлик техникаси ва технологиясини, атроф-муҳит соҳасида халқаро ҳамкорликни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш **қўникмаларига эга бўлиши керак.**

#### 6.2.2.6. Мамлакатшунослик фани бўйича

- тили ўрганилаётган мамлакатларнинг (минтақа) табиий ва ижтимоий географияси, иқтисодий, сиёсий тузуми, сайлов тизими ва конституцияси;
- тили ўрганилаётган мамлакатларнинг этник таркиби, дини, маданияти ва спорти;
- тили ўрганилаётган мамлакатларнинг маиший ҳаёти, байрамлари, урф-одатлари ва халқларининг илмий, маданий мерослари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- тили ўрганилаётган мамлакатларда кузатилаётган сиёсий ва иқтисодий жараёнларни;
- хорижий мамлакатларнинг тарихий ривож ва замонавийлиги нуқтаи назаридан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларнинг шаклланиш масалаларини;
- тили ўрганилаётган мамлакатлар тарихи, географияси, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тизими, халқаро муносабатлари, уларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги геосиёсий ўрни **ҳақида билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- атлас, статистик жадваллар, сиёсий, табиий ва иқтисодий хариталар билан ишлаш;
- тили ўрганилаётган мамлакатлар ҳақидаги керакли маълумотларни оммавий ахборот воситаларидан топа билиш;
- тили ўрганилаётган мамлакатлар ҳақида курс ишлари, эссе ва мақолалар ёза билиш;
- тили ўрганилаётган мамлакатлар ҳақида маъруза матнлар ярата олиш ва уни тингловчилар олдида тақдимотини қила олиш;

- тили ўрганилаётган мамлакатларнинг тарихий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишини таҳлил қилиш;
- тили ўрганилаётган мамлакатларнинг тарихий илдилари ҳақида тўлиқ тасаввур шакллантира олиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

### 6.2.3. Умумқасбий фанлар бўйича талаблар

#### 6.2.3.1. Умумий психология назарияси ва амалиёти

##### *Умумий психология*

##### **Бакалавр:**

- психологиянинг табий ва ижтимоий фан сифатида талқин қилиниши;
- психологиянинг соҳалари;
- психология ва фалсафанинг ўзаро алоқаси;
- психология ва илмий-техник тараққиёт;
- педагог фаолиятида психологиянинг етакчи аҳамиятга эга эканлиги *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

- психика ва онг муносабатини;
- мутафаккирларнинг психологик қарашларини;
- психологиянинг ўрганиш методларини;
- фаолият ва мотивлар, фаолиятнинг асосий турларини;
- рефлексия назариясини;
- одам психикасининг пайдо бўлишини;
- одам психикасининг онтогенез тараққиётини;
- юксак психик функцияларнинг таркиб топишини;
- мотивация соҳаларини;
- иродавий ҳаракатлар ва уни бошқаришни;
- индивид, шахс, индивидуалликни;
- шахс фаолиятини;
- шахсни экспериментал тадқиқ қилиш методларини;
- мулоқот ва унинг кўп мақомли характерини;
- нутқ ва унинг функцияларини;
- диққат, унинг физиологик механизмлари, турларини;
- сезги ва идрокнинг физиологик асосларини;
- хотира назариясини;
- хаёл ва унинг турларини;
- тафаккур ва ҳиссий билишни;
- темперамент назарияси, турларини;
- характер ва унинг бошқа психологик ҳодисалар билан боғлиқлигини;
- қобилиятнинг сифат ва миқдор характеристикасини *билиши ва улардан*

##### *фойдалана олиши;*

- шахс(ўқувчи)нинг психологик хусусиятларини ўрганувчи метод ва технологиялар;
- педагогик жараёни бошқариш;
- ўқув экспериментлар ўтказиш;
- шахс(ўқувчи) психикасининг ўзига хос хусусиятларини кузатиш;
- ўқув жараёнида турли анкета ва бошқа усуллари қўллай олиш;
- психологик маърифий ишларни ташкил этиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

##### *Ёш ва педагогик психология*

##### **Бакалавр:**

- умумий психология ва ёш психологияси;
- умумий психология ва педагогик психология;
- физиологик ва психологик ривожланиш жараёни;
- ёш ва педагогик психологиянинг ўқитувчи фаолиятида туган ўрни *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

- иктидорли болалар ва уларни танлашни;
- ёш психологиясининг пайдо бўлишини;
- ёш психологиясини ўрганиш методларини;
- таълимнинг ёш психологияси тараққиётида тутган ўрнини;
- мактабгача ёш даврнинг ўзига хос хусусиятларини;
- кичик мактаб ёши болалар психологиясини;
- ўсмир ва ўспиринлар психологиясини;
- таълим ва аклий тараққиётини;
- педагогик қобилият ва унинг турларини;
- ўқитувчи шахсига қўйиладиган психологик талабларни *биллиши ва улардан*

**фойдалана олиши;**

- болаларнинг психологиясига хос хусусиятларни ўрганиш бўйича экспериментлар ўтказиш;
- болаларнинг мактабгача тайёргарлиги бўйича хулоса бера олиш;
- инсоннинг ривожланиш босқичларидаги психологик хусусиятлари, улардаги турли жараёнлар бўйича маслаҳатлар олиб бориш;
- педагогик фаолиятда ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари, улардаги турли жараёнлар бўйича маслаҳатлар олиб бориш;
- ёш психологияси бўйича олиб борилган эксперимент ва кузатувларни расмийлаштириш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

**6.2.3.2. Умумий педагогика назарияси ва амалиёти фани бўйича**

*Педагогика назарияси ва тарихи*

**Бакалавр:**

- илмий тадқиқот объектлари ва методлари;
- педагогиканинг ижтимоий фан эканлиги;
- педагогика фанининг методологияси;
- педагогиканинг жамиятдаги ўрни;
- таълимни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш, унинг узвийлиги, узлуксизлиги;
- педагогика фанининг асосий ривожланиш босқичлари;
- ўтмиш ва замонавий педагогиканинг асосий йўналишлари;
- илғор педагогик қарашлар;
- жаҳон таълим тизими;
- педагогиканинг мақсадга қўра турлари;
- педагогик жараёндаги интеграциялар *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги сиёсати, кадрлар тайёрлаш миллий моделини;
- таълим ва тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари, бирлиги, дифференциацияси, ягона педагогик жараён;
- XXI аср педагоги образини;
- антропологик педагогикани;
- таълим назарияси (дидактика) нинг асосий компонентлари: концепциялари, парадигмаларини;
- таълим принципларини;
- таълим методлари, технологияларини;
- таълим турлари ва босқичларини;
- таълим-тарбия жараёнини кузатиш ва таҳлил қилишни;
- тарбия назариясининг моҳиятини;
- тарбия мазмуни, принципларини;
- тарбияда муҳит(социум), руҳият (психология)ни;
- тарбия методлари ва технологияларини;
- махсус педагогиканинг ўзига хос хусусиятларини;

- тарбия турларини;
- жамоада, онладаги тарбия ҳамда ўз-ўзини тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятларини;

- Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини;
- таълимни бошқариш шаклларини;
- шахсга таълим ва тарбия бериш гоёсининг пайдо бўлишини;
- таълим ва тарбия тўғрисида Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг қарашларини;
- тарбия, мактаб ва педагогик фикрнинг тараққий этиш тарихини;
- жаҳон педагогик жараёни;
- Ўзбекистон Республикасида педагогика фанининг ривожланишини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- таълим ва тарбия жараёнида миллий гоё ва маънавиятимизнинг бой меросларидан фойдаланиш;

- ўз педагогик фаолиятини режалаштириш;
- таълим муассасарида ўқитиш ва тарбиялашнинг замонавий метод ва технологияларини қўллаш;

- ўқувчини рағбатлантириш, унинг фаолиятини назорат қилиш истеъдоди, иктидорини рўёбга чиқариш бўйича, талбирлар ишлаб чиқиш, айни замонда жазолашнинг замонавий шаклларидан фойдаланиш;

- ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш;

- ота-оналар, жамоа, ўқувчилар билан яққа ва гуруҳ бўлиб ишлаш;

- ўқувчилар гуруҳларини бошқариш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### **Педагогик маҳорат**

##### **Бакалавр:**

- педагог касбининг ўзига хос хусусиятлари;
- педагог шахси, унинг жамиятда тутган ўрни;
- педагог фаолиятининг асосий йўналишлари;
- касбий маҳорат тушунчаси;
- педагог ва таълим соҳасидаги ахборот технологиялари;
- XXI аср педагогига қўйиладиган асосий талаблар *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- педагогик фикр тарихида маҳорат масалалари;
- педагогик қобилият, унинг турлари;
- педагогнинг коммуникатив қобилияти, унинг воситалари;
- педагогнинг мулоқот маданияти ва психологияси;
- педагогик ва таълим олувчи ўртасидаги мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари;
- педагогик назокат ва одоб-ахлоқ меъёрлари;
- педагогик техника ва уни шакллантириш усуллари;
- таълим жараёнида педагогнинг маҳорати;
- педагогик маҳоратни такомиллаштириш шарт-шароитларини *билиши ва улардан*

##### **фойдалана олиши;**

- танланган метод ва технологияларни жорий қилишда муҳитни, вазиятни баҳолай олиш;

- таълим ва тарбия жараёнида талаб қилинган иродани намойиш қилиш, сабр-тоқат, қатъият, кайфиятни ўзгартира олиш, жавобгарликни ҳис қилиш;

- муаммоли вазиятдан чиқиб кета олиш;

- педагогик жараёнда низоларнинг олдини олиш;

- ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олиш ва бунда гўзалликка эришиш;

- ўз педагогик назокати ва одобини такомиллаштириб бориш;

- назокат билан сўзлаш техникасига риоя қилиш;

- таълим ва тарбия жараёнида санъаткорлик унсурларидан фойдаланиш;

- ўз меҳнатини расмий ва ижодий ташкил эта олиш, вақтдан унумли фойдаланиш;

- ўз маҳоратини тинмай ошириб бориш;

- илгор тажрибаларни ўрганиш ва ўз фаолиятига сингдириш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

### 6.2.3.3. Чет тил ўқитиш методикаси фани бўйича

#### Бакалавр:

- чет тил ўқитиш методикаси педагогик фан сифатида;
- чет тил ўқитиш методикасининг бошқа фанлар билан алоқаси;
- чет тил ўқитиш методикасининг ривожланиш босқичлари;
- чет тил ўқитиш методикаси тарихи;
- чет тил ўқитиш умумий ва хусусий методикаси;
- чет тилини ўрганиш жараёнлари;
- чет тилини ўқитиш тамойиллари ва ёндашувлари;
- тил кўникмаларини интеграллашган ҳолда ўқитиш;
- тил сатҳ (ярус) ларини ўқитишга коммуникатив ёндашув;
- тил бўйича билимларни баҳолаш турлари ва мезонлари;
- ўқув материалларини танлаш ва янгиларини яратиш, аутентик манбалар билан ишлаш;

- махсус йўналиш (соҳа) ларда чет тилини ўқитиш, EAP, ESP ўқитиш;
- дарсни режалаштириш;
- аудиторияни ўрганиш (тадқиқ) этиш;
- маданиятлараро мулоқот компетенциясини ривожлантириш;
- турли ёшлардагиларга чет тилини ўқитиш;
- Блумнинг таксономияси ва унинг ҳозирги замон фанидаги ўрни;
- Гарднернинг ақлий фаолият назарияси;
- Выготскийнинг назарий мероси;
- Пиаже ва унинг назарий қарашлари;
- Дьюи ва унинг назарий қарашлари;
- Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларда чет тил ўқитиш методикасининг ривожланиши *ҳақида тасаввурга эга бўлиш;*

- чет тил ўқитиш шароитини;
- мактабгача таълим, умумий ўрта таълим тизимида чет тил ўқитиш мазмунини;
- ўрта махсус ва касб-хунар таълимида чет тил ўқитиш мазмунини;
- чет тил ўқитиш принципларини;
- чет тил ўқитиш методлари, технологиялари ва воситаларини;
- чет тил ўқитиш киёсий методикасини;
- чет тил машғулотлари турларини;
- машқ турларини;
- чет тилда нутқ фаолияти турларини ўргатишни;
- лексика, грамматика ва талаффузни ўргатишни;
- чет тиллар бўйича дарсдан ташқари ишларни ташкил этишни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- чет тили дарсларини ташкил этиш;
- ўқувчилар билан индивидуал ва гуруҳда ишлай олиш;
- мустақил ишларни ташкил этиш;
- чет тили бўйича ўқувчилар нуткий кўникма ва малакаларини назорат қилиш;
- тил компетенцияси даражасига эга бўлиши;
- бошлангич таълимда чет тили ўқитиш муаммоларини ҳал этиш;
- йиллик, чорак режалари, технологик карта, план-конспект тузиш, ўқув жараёнини самарали режалаштириш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

### 6.2.3.4. Чет тил амалий курси фани бўйича

#### Бакалавр:

- ўрганилаётган тилнинг морфологик тузилиши ва *товуш тизими;*

- ўрганилаётган тилдан ўқитиш олиб борилаётган тилга таржима амалиёти спецификаси ва стилистик хусусиятлари, меъёрий грамматика асослари;
- ўрганилаётган тилнинг ривож ва тил доирасидаги асосий экстралингвистик шаклланишнинг асосий факторлари ҳамда тарихий манбалари, унинг диалектик хилма-хиллиги;
  - мулоқотнинг оғзаки ва ёзма турлари;
  - хорижий тилларда фикрни лисоний ифода қилиш усуллари ва уларнинг нутқ оғзаки ва ёзма шаклларида қўлланилиши қонуниятлари;
  - нутқнинг диалогик ва монологик шакллари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
  - асосий ўрганилаётган тилнинг ёзма, адабий ва норасмий нутқ ситуациялардаги шакллари;
    - тилнинг замонавий ҳолати тавсифи, ёзув, графика, орфография, пунктуация, лексик-грамматик туркумлар, сўз тузилиши, бошқа тиллардан сўз кириб келишнинг умумий қонуниятларини;
    - содда ва кўшма гаплар, сўз бирикмалари синтаксиси, лексика ва ёзма нутқ, диалектал лексиканинг асосий хусусиятларини;
    - хорижий тил талаффузи ва нутқнинг интонацион жиҳатдан жилованишини мукамаллаштириши;
    - ўрганилаётган тил грамматик ва синтактик хусусиятлари, матннинг пунктуацион расмийлаштирилишини эгаллаб олишни;
    - муайян бир коммуникатив мақсадни ифодаловчи нутқ яратиш механизмлари ҳақида билиш, матннинг манتيкий-композицион тузилишини тушуна олишни;
    - ўрганилаётган тил адабий, оғзаки-сўзлашув ва функционал стилларда учрайдиган грамматик ходисалар ҳақидаги билимини кенгайтириш ва чуқурлаштириш: ўқиганда ва тинглаганда уларни таний билиш, энг кўп қўлланиладиган шакллари оғзаки-нутқий мулоқотда қўллашни;
    - ўрганилаётган тилда сўзловчи шахсларнинг кенг тарқалган кундалик ва касбий вазиятларда сўзлаган нутқини тушуна олиш: эшитилаётган матнлардан (радио, телевидение, видеокассеталар) ҳамда илмий матнларни тушуна олиш ва улардан ўзи учун зарур бўлган ахборотни олишни;
    - диалог ва полилогнинг (муҳокама, муҳоҳаса, полемика, расмий суҳбат) каби турларини эгаллаш, муҳокама маданияти ва этикасига риоя қилган ҳолда монолог (сўзлаб бериш, ахборот бериш ва маъруза қилиш) турларини ўрганилган мавзу ва сўз бойлиги орқали ижтимоий-маиший, маданий, ижтимоий-сиёсий, ўқув-касбий соҳаларда турли расмий ва норасмий вазиятда қўллаш олишни;
    - турли жанрларга мансуб бўлган публицистик, бадий, илмий-оммабоп, функционал жанрларга оид оригинал матнларни ўқиш стратегияси бўйича барча турларини ўқиш: яъни ўрганиш учун ўқиш, танишув ўқиши, ахборот кидириб ўқиш ва юзакироқ маълумот олиш учун ўқиш процедураларини амалга оширишни;
    - матнларни лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш (лексико-грамматик ходисаларни топиш, функционал ва прагматик томондан матннинг структуравий-семантик ва стилистик хусусиятларини аниқлаш мақсадида стилистик таҳлил ўтказиш);
    - кундалик ҳаёт ёки касбий мулоқот вазиятларида хорижий тилда сўзловчи шахсларнинг нутқини тинглаш ва тушуниш, турли жанрларга мансуб аудио ва видеоматнлардан зарурий ахборотни ола билиш, ўз касбий йўналиши доирасида берилган оғзаки нутқий маълумотдан эътиборга лойиғини ажрата олишни;
    - ёзма маълумотларни тили ўрганилаётган давлатда қабул қилинган шаклда баён қилиш, матнлардан кўчирма олиш, қайта ифодалаш, бошқача қилиб айтиш ва умумлаштириш, оғзаки ва ёзма ахборот учун тезислар тузиш, конспект, реферат тузиш, аннотация, рецензия ёзиш, шахсий, расмий ва бизнес ҳужжатлари ва хатларини расмийлаштира олиш (таклиф-хат, хабар-хат, меморандум, электрон ахборот ва ҳк.); лавҳа ёзиш, турли кўринишдаги анкета ва формулярларни тўлдиретиши;

- турли жанрга оид матиларни чет тилдан она тилига ва она тилидан чет тилга оғзаки ва ёзма шаклларда таржима қилишни;
- турли жанрдаги матиларни оғзаки ва ёзма таржима қилганда таржиманинг маданиятлараро мулоқот воситаси эканлигини инобатга олиш, шу билан бирга таржиманинг касбий малака эканлигини эътиборга олишни;
- ўз мамлакати ҳамда тили ўрганилаётган мамлакат ижтимоий-маданий тарзини яққол кўз олдига келтириш ва мамлакатшунослик соҳасида кенг билимга эга бўлиш. Ўз мамлакати ва ўзга давлат жамоалари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқ томонларини чуқур ўрганиб олиш; ижтимоий жиҳатдан қийматга эга бўлган ва маданиятига кўра ўзига хос хусусиятни ифодаловчи ахборотни билиш ва бу маълумотлар талабага ўзга этно-маданий жамият вакиллари лингвокогнитив характеристикасини тушуниб олишга имкон беришини англаш, ва мулоқот учун зарур бўлган ижтимоий-маиший, маданий, ижтимоий-сиёсий ва профессионал алоқанинг зарурлигини;
- жаҳоннинг турли давлатлари маданияти хусусиятларини қиёслаш, солиштириш ва таҳлил қилишни;
- лисоний ва ўлкашуносликка алоқадор билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, коммуникатив кўникмаларини фаоллаштириш учун замонавий инфор­мацион технологиялардан фойдаланишни *билишни ва улардан фойдалана олишни*;
- асосий ўрганилаётган тилдаги турли мураккабликдаги матиларни оғзаки равишда ўз она тилига таржима қила олиш;
- ўрганилаётган тилда хорижий мутахассислар ва умуман бошқа шахслар билан касбий ва маиший вазиятларда тўлақонли жонли мулоқот олиб бориш;
- ҳар хил мавзу ва мураккабликдаги матиларни ўз она тилидан асосий ўрганилаётган тилнинг ҳозирги адабий шаклига ёзма таржима қила олиш;
- асосий ўрганилаётган тилда мулоқот олиб бориш, нутқ сўзлаш;
- суҳбат, нутқ ва маърузаларни асосий ўрганилаётган адабий тилдан ўз она тилига оғзаки изчил ва синхрон таржима қила олиш;
- ўрганилаётган чет тил ва ўқитиш олиб борилаётган тилдаги маълумотларни қўллаб аннотация, реферат, маълумотлар тўплаш, тузиш ;
- нутқ фаолиятининг турли шакл ва усулларини (ёзма, оғзаки, паралингвистик, экстралингвистик) маданиятлараро мулоқотда ва касбий фаолиятида (педагогик, таржимонлик ва бошқа мутахассисликлар бўйича) ўз нутқида қўллаш ва тушуниш малакасига эга бўлиши;
- янги инфор­мацион технологиялардан касбга йўналтирилган мақсадларда фойдалана олиш;
- турли халқаро лойиҳалар, анжуман ва синовларда қатнаша олиш *кўникмаларига эга бўлиши керак*.

#### 6.2.3.5. Стилистика ва матн таҳлили фани бўйича

##### Бакалавр:

- умумий тилшуносликнинг соҳаси, маҳсус тил воситалари, стилистик усуллар ва функционал услубларни ўрганувчи фан эканлиги;
- стилистика соҳасидаги мавжуд ўйналишлар;
- турли услубга хос матиларни стилистик таҳлил этиш;
- стилистиканинг мулоқот жараёнида тутган ўрни;
- матиларни стилистик таҳлил этишда қўлланадиган методлар;
- стилистик усулларни таржима қилиш йўллари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- турли услуб, жанрларга оид матиларни;
- турли олимларнинг стилистика ва матн таҳлили ҳақидаги назарий қарашлари;
- стилистика ва матн лингвистикаси ҳамда таҳлили бўйича мавжуд илмий қарашларни;
- таржима қилинган матнни услубини аниқлашни, қиёсий таҳлил қилишни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- турли жанрга тегишли асарларни ўрганишда назарий билимларни қўллаш;
- стилистик жihatдан турли жанрга оид матнлар таржимасини таҳлил этишда мутахассис (таржимон ва таҳрирчи) сифатида ёндашиш;
- турли услубга оид матнларни ва уларнинг муаллифи ижодини ўрганишда тарихий ва турли методологик тамойилларни қўллаш;
- турли услубга оид асарлар жанрини ва уларнинг услубий жihatдан фарқлай олиш;
- стилистика ва матн таҳлилининг таржима нуқтан назаридан ўрганиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### 6.2.3.6. Тил назарияси фани бўйича

##### Бакалавр:

- тилшунослик фанининг ижтимоий гуманитар фанлар орасидаги ўрни ва ривожланиш босқичлари;
- тилшуносликнинг таркибий қисмлари, унинг тил ҳақидаги асосий тушунчаларни ўрганувчи фан эканлиги;
- тилшунослик тарихидаги асосий мактаб ва йўналишлар;
- тил ва жамят, тил ва инсон омили, тил ва руҳият, тил ва маданият ўртасидаги муносабатлар, дунёни билишда тилнинг роли;
- тилшуносликнинг асосий тамойиллари ва илмий изланиш методлари;
- дунё тилларини ўрганиш ва гуруҳлашнинг асосий муаммолари;
- тил оилалари ва гуруҳларининг умумий ва фарқловчи хусусиятлари *ҳақида тасавурга эга бўлиши;*
- турли йўналишларга мансуб бўлган таникли тилшуносларнинг назарий қарашларини;
- тилшунослик назарияси ва тарихи тўғрисидаги билимларни;
- Ўзбекистонда ва чет элларда чоп этирилган тилшуносликка оид илмий адабиётлар билан танишиб боришни;
- тили ўрганилаётган мамлакатларда тилшунослик бўйича олиб борилаётган фундаментал изланишларни;
- мамлакатимизда ва чет элларда тилшуносликнинг асосий масалаларга бағишлаб чоп этирилган илмий адабиётларни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- турли йўналишларга мансуб бўлган таникли тилшуносларнинг назарий қарашлари;
- тилшунослик назарияси ва тарихи тўғрисидаги билимларни эгаллаш;
- Ўзбекистонда ва чет элларда чоп этирилган тилшуносликка оид илмий адабиётлар билан танишиб бориш;
- тили ўрганилаётган мамлакатларда тилшунослик бўйича олиб борилаётган фундаментал изланишлар;
- мамлакатимизда ва чет элларда тилшуносликнинг асосий масалаларга бағишлаб чоп этирилган илмий адабиётларни билиши ва улардан фойдалана олиш;
- чет тилларни амалий ўрганишда тилшунослик бўйича назарий билимларни қўллаш;
- ҳар қандай тил матнларига филолог - лингвист сифатида ёндашиш;
- жаҳон тиллари таракқиётидаги ўзаро умумий боғлиқлик жараёнларини таҳлил қила олиш;
- тилшуносликда мавжуд йўналишлар ва мактаблар вакиллари, намоёндаларининг нуқтан назарларини фарқлай билиш;
- ўрганилаётган тилларни умумбашарий, инсонпарварлик контекстида ўрганиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

### 6.2.3.7. Тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти тарихи фани бўйича

#### Бакалавр:

- тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиётининг жаҳон адабиётидаги ўрни ва унинг башарият тараққиётидаги улуши;
- юқори малакали филолог ўқитувчи тайёрлашда тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиётини билишнинг аҳамияти;
- тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти тарихининг асосий босқич ва намоёндалари;
- антик даврда яратилган адабий асарлар ва уларнинг хусусиятлари;
- ўйғониш даври адабиёти ва унинг хусусиятлари;
- XIX асргача бўлган адабиёт ва унинг асосий мактаб ва йўналишлари;
- XX-XXI аср адабиёти ва унинг асосий йўналишлари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

- тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти бўйича олиб борилаётган изланишларни;

- жаҳон адабиётининг умумий ривожланиш тамойиллари ва шакллари;
- маърифатпарварлик ва романтизм йўналишларининг ғоявий принциплари ва жанр хусусиятларини;
- постромантизм, аболиционизм, танкидий реализм ва неоромантизмнинг ғоявий принциплари ва жанр хусусиятларини;
- ҳозирги давр адабиётининг неоромантизмнинг ғоявий принциплари ва жанр хусусиятларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти намуналарини инсонпарварлик контекстида ўрганишда назарий билимларни қўллаш;

- жаҳон адабиёти намоёндаларнинг асарларини танқидий таҳлил қила билиш;
- хорижий мамлакатлар адиблари асарларига тақриз ёзиш ва уни эълон қилиш;
- хорижий адабиёт вакиллари асарларининг таржималарини таҳрир қила олиш;
- хорижий адабиёт вакиллари асарларининг таржималарини нашрга тайёрлай билиш;

- ўзбек адиблари томонидан ёзилган асарларнинг хорижий тилларга қилинган таржималарини таҳрир қилиш ва нашрга тайёрлаш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### Танлов фанлари

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанлари рўйхати ва уларнинг дастурлари ОТМ Илмий Кенгаши томонидан белгиланади.*

### 6.2.4. Ихтисослик фанлари блоки бўйича талаблар

#### 6.2.4.1. Ўрганилаётган тил тарихи фани бўйича

#### Бакалавр:

- тиллар тарихий тараққиётининг асосий қонуниятлари, субстрат назарияси;
- роман (герман) тиллар тарихининг даврланиши;
- қадимги роман (герман) тилларининг фонетик хусусиятлари;
- қадимги роман (герман) тилларининг грамматик хусусиятлари;
- роман (герман) тилларининг лугат таркиби;
- роман (герман) тиллари тарихи даврида содир бўлган энг аҳамиятли воқеалар;
- фонетик қонунлар: мутация, аблаут, синиш, дифтонглашув, палатализация, иккиланиш, унлилар кўчиши, ундошлар кўчиши, ротацизм;
- артикларнинг пайдо бўлиши;
- сўз структурасида содир бўлган ўзгаришлар;
- тиллар синтактик структурасида содир бўлган ўзгаришлар;
- унлиларнинг буюк кўчиши ва фонетик тизимидаги бошқа ўзгаришлар *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

- тил тарихини ўрганишда мавжуд ёзма ёдгорликлар ва алифболар турлари;

- турли даврларда яратилган матиларни ўқий олиш, таржима қилиш ва изохлаб беришни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- ўрганилаётган тилда кузатилаётган ўзига хос жараёнларни мазкур фанни ўрганган пайтда олган билимига асосланиб амалиётга татбиқ этиш;

- тиллар фонетик, грамматик ва функционал тизимида содир бўладиган ўзгаришларни таълим жараёнида тушунтириб бериш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### 6.2.4.2. Назарий грамматика фани бўйича

##### Бакалавр:

- назарий грамматиканинг асосий тушунча ва тамойиллари;
- сўзнинг морфемик тузилиши, морфема ва сўзнинг таърифи;
- грамматик маъно, грамматик шакл ва грамматик категориялар;
- сўзларни туркумларга ажратилишининг асосий тамойиллари;
- феъл ва бошқа сўз туркумларининг структуравий-семантик ва функционал тавсифи;

- синтактик структуралар, сўз бирикмаси, гап ва гап бўлаклари;

- грамматик таълимотлар тарихи;

- грамматикада қўлланиладиган асосий таҳлил методлари;

- фонетика ва фонологиянинг асосий тушунча ва тамойиллари;

- фонологик таълимотлар. И.А. Бодузи де Куртененинг, фонологик назарияси;

- талаффузнинг асосий турлари. Адабий талаффузнинг стилистик вариантлари;

- унли товушлар классификациясининг асосий критериялари;

- бўгин кўчириш ва бўгин ясаш масалалари;

- ургу ва акцентология, ургунинг турлари;

- фонетик ходисалар ва интонация *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

- сўзлар орасидаги синтактик муносабатлар ва уларнинг турлари;

- сўзнинг синтактик ва аналитик шакллари;

- гапнинг структуравий, семантик ва функционал типологияси;

- ҳозирги замон грамматикасида мавжуд янги йўналишларни;

- синтагманинг фонетик бўлиниши, сўзнинг фонетик таҳлили;

- содда ва қўшма гапларда интонациянинг турлари;

- бўгин ясаш ва бўгин кўчиришнинг функциялари;

- ундошларнинг артикуляцион ва акустик таснифи;

- монофтонг ва дифтонгларнинг артикуляцион ва акустик таснифини *билиши ва*

*улардан фойдалана олиши*;

- сўз ва гапларни турли таҳлил методлари ёрдамида таҳлил эта билиш;

- грамматикага оид билимига таянган ҳолда пуктни сегментация қилиш;

- турли матиларни тузишда мураккаб грамматик қурилмалардан фойдалана олиш;

- сўзни фонетик ва фонологик жиҳатдан таҳлил қилиш;

- нутқ маҳсулотини фонетик жиҳатдан мукамал бўлишини таъминловчи омиллар;

- талабаларга талаффуз, ургу, интонация ва бўгин масалаларини тушунтириш ва

ўқитиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### 6.2.4.3. Лексикология фани бўйича

##### Бакалавр:

- лексикологиянинг тилшуносликдаги ўрни ва статуси;

- лексикани тизим сифатида ўрганишнинг асосий муаммолари;

- сўзнинг семантик структураси;

- сўз лексик маъносининг ривожланиши ва ўзгаришининг асосий тамойиллари;

- сўзнинг лексик гуруҳлари, синонимия, полисемия, омонимия;

- сўз ясалишининг турли усуллари;

- фразеология, фразеологик бирликлар ва фразеологик лугатлар тузиш;

- этимология, лугат таркибининг бойиши;

- ўзга тиллардан сўз ўзлаштириш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

- сўз семантик структурасини турли методларини қўллаган ҳолда таҳлил қилиш;  
 - тил ўқитишнинг турли босқичларида сўзлар луғавий маъноларини изохлаб беришни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- матнда қўлланилган лексик қатламлардаги сўзларни турли контекстларда ишлата олиш;

- сўз маънолари ўртасидаги турли синонимик, антонимик ва бошқа турдаги муносабатларни фарқлай олиш *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

#### 6.2.4.4. Қиёсий типология ва таржима назарияси фани бўйича

##### Бакалавр:

- чет тили ва она тили фонетик структурасини изоморфик ва алломорфик хусусиятлари;

- тиллар морфологик тизимининг типологияси;

- қиёсий типология фанининг тарихи;

- қиёсий типология фанининг асосий тадқиқот методлари ва тамойиллари;

- қиёсий типологиянинг тилшуносликнинг бошқа соҳалари билан боғлиқлиги;

- сўз бирикмаларининг типологияси;

- лексик тизим типологияси;

- гап типологияси;

- ҳозирги замон таржимашунослигининг долзарб назарий ва амалий масалалари, фаннинг асосий тушунча ва атамалари;

- филология, унинг фанлар тизимида ўрни;

- филология тараккиётининг асосий даврлари;

- гуманитар фанлар ва филология соҳасида миллий ва умуминсоний кадриятларнинг ўзаро нисбати;

- амалий таржима, унинг усул ва методлари;

- чет тилидан она тилига ва она тилидан чет тилига таржима қилишнинг ўзига хос хусусиятлари;

- барча тил бирликлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини таржима қилиш;

- амалий таржиманинг график, пунктуацион, лексик, грамматик ва стилистик жиҳатлари ва уларни таржима қилиш йўллари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

- ўрганилаётган тил ҳамда талабанинг она тили ўртасидаги типологик яқинлик ёки яқин эмаслик ҳолатларини аниқлай олишни;

- турли қатламдаги тил бирликларини типологик жиҳатдан таҳлил қила олишни;

- турли тиллар бирликлари ўртасидаги изоморфизм ва алломорфизм ҳолатларини;

- амалий таржимада кенг қўлланиладиган таржима трансформацияларини, уларнинг турларини, қўлланиладиган тегишли ўринларини;

- сўз қўшиш, сўз тушириб қолдириш, умумлаштириш, конкретлаштириш усулларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- тилларни типологик жиҳатдан классификация қилиш;

- турли тил, сўз ва грамматик шаклларини қариндош тиллар структурасига яқинлик даражасини аниқлай олиш;

- амалий таржимада учрайдиган лексик, грамматик, фонетик, график муаммоларини таржимада бериш;

- тилнинг бойлигини кўрсата билиш;

- қийин сўзларни таржима қила олиш;

- таржима қилиб бўлмайдиган сўзларни компенсация қила олиш *қўникмаларга эга бўлиши керак*.

##### Танлов фанлари

*Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанлари рўйхати ва уларнинг дастурлари ОТМ Илмий Кенгаши томонидан белгиланади.*

## 7. Таълим дастурларининг мазмуни ва компонентлари

7.1. 5111400 – *Хорижий тил ва адабиёт (роман-герман филологияси)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълим дастури таълимнинг кундузги шакли бўйича 4 йил ўқишга мўлжалланган бўлиб, қуйидаги вақт тақсимотига эга:

Назарий таълим	136 ҳафта
Малака амалиёти	14 ҳафта
Битирув иши (лойиҳаси)	5 ҳафта
Аттестация	17 ҳафта
Таътил	32 ҳафта
<b>Жами</b>	<b>204 ҳафта</b>

7.2. Талаба ҳафталик ўқув юкласининг максимал ҳажми 54 соат, шундан аудиториядаги ўқув юкласи - 32 соатгача, қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

7.3. Жорий, оралик ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда таълим дастурининг умумий ҳажми 4 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

7.4. Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

7.5. 5111400 – *Хорижий тил ва адабиёт (роман-герман филологияси)* бакалаврият таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг зарурий мазмуни ва компонентлари

### 7.5.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар мазмуни ва компонентлари

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг зарурий мазмуни ва компонентлари «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

### 7.5.2. Математик ва табиий-илмий фанлар мазмуни ва компонентлари

#### 7.5.2.1. Олий математика асослари:

асосий алгебраик тузилмалар, вектор, фазо ва чизикли акслантириш, аналитик геометрия, кўп ўлчовли евклид геометрияси, топология элементлари, манتيкий ҳисоблашлар, алгоритмлар назарияси, дифференциал ва интеграл ҳисоблаш, дифференциал тенгламалар, энг катта ўхшашлик принципи, эксперимент натижаларини қайта ишлашнинг статистик методлари.

#### 7.5.2.2. Информатика ва ахборот технологиялари:

*ахборот тушунчаси:* маълумот тўплаш, узатиш, ишлов бериш ва йиғиш жараёнларининг умумий тавсифи; ахборот жараёнларини амалга ошириш техник ва дастур воситалари, функционал ҳисоблаш масалаларини ечиш моделлари; маълумотлар базаси.

Компьютер тизимларида ахборотни ишлаш учун техник ва дастурий воситалар йиғиндис; маълумотни кўрсатиш ва узатиш моделлари; маълумотлар базасини яратиш технологияси, маълумот базасини бошқариш тизими; маълумот базасини яратиш усуллари; шахсий компьютерлар локал тармоқлари; коммуникация воситаси ва компьютерлар дунё

тармоқлари, HTML тили ва бошқа усуллар билан интернет учун WEB саҳифалар яратиш усуллари; электрон почта; мултимедияли технология.

#### 7.5.2.3. Ёш физиологияси ва гигиена:

организмнинг ёш хусусиятлари ва органлар ҳамда тизимларнинг турли вазифалари. Организм – яхлит бир тизим. Одамнинг ўсиш ва ривожланиши. Организмнинг атроф-мухит билан алоқадорлиги. Ирсий касалликларнинг генезиси ва уларни профилактика қилиш масалалари. Ёш организмнинг ўсиши ва ривожланишининг ўзига хослиги. Ички секреция безларининг фаолияти. Гармонлар муҳим биостимулятор ва регулятор сифатида. Тўқима, орган ва организмлар вазифаларининг гуморал бошқаруви, организмлар ҳаёт фаолиятида нерв тизимининг аҳамияти. Ҳар томонлама тараккий этган шахсни тарбиялашда соғлом турмуш тарзининг аҳамияти. Болалар соғлигини ҳимоя қилишда оиланинг ўрни. Соғлом организмни таъминлашда овқатланиш кун режими ва бошқа омилларнинг аҳамияти. Инсон организмнинг жисмоний ва рухий соғлом бўлишида гигиенанинг аҳамияти. Шахсий гигиенага қўйиладиган талаблар ва гигиена меъёрлари.

#### **7.5.2.4. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш:**

Табиат-инсон-жамият муносабатлари ва унинг даврий ривожланишининг оддий, иктисодий ва экологик муносабат шакллари. Табиат-инсон-жамият муносабатларини уйғунлаштириш зарурати. Экология фанининг келиб чиқиши, тушунчаси, ривожланиш босқичлари, мақсади ва вазифалари. Экологиянинг фанлар ўртасида тутган ўрни, экологик фанлар тизими. Экологияни фанлараро алоқадорлиги ва узвийлик қондалари. Экологик концепциялар ва принциплар. Экологик хавфсизликни таъминлаш зарурати. Республикамизда экологик хавфсизликни таъминлаш муаммолари. Глобаллашув жараёни, унинг республикамиз учун ижобий ва салбий таъсири.

*биосфера ва инсон:* биосферанинг тузилмаси, экологик тизимлар, мухит ва организмларнинг ўзаро муносабати, экология ва инсон саломатлиги, атроф-мухитнинг умумбашарий муаммолари;

*табиатдан фойдаланиш:* табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва табиат муҳофазасининг экологик тамойиллари, табиатдан тежаб-тергаб фойдаланиш асослари, экологик ҳимоя техникаси ва технологияси, экологик ҳуқуқ асослари ва касбий масъулият, атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик;

#### **7.5.2.5. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги:**

ҳаёт фаолиятининг хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг ажралмас бир бўлаги эканлиги. Атроф-мухит муҳофазаси ва табиатдан оқилона фойдаланишга оид давлат сиёсати, дастурлари ва режалари. Халқаро ҳамжамиятнинг умумэътироф этилган ҳуқуқ нормалари орқали экологик маънавиятли ёшларни тарбиялаш замонамизнинг долзарб муаммоларидан бири эканлиги. Инсон саломатлигининг назарий-илмий асослари

Ҳар томонлама тараккий этган шахсни тарбиялашда соғлом турмуш тарзининг аҳамияти. Болалар соғлигини ҳимоя қилишда оиланинг ўрни. Соғлом организмни таъминлашда овқатланиш кун режими ва бошқа омилларнинг аҳамияти. Инсон организмнинг жисмоний ва рухий соғлом бўлишида гигиенанинг аҳамияти. Шахсий гигиенага қўйиладиган талаблар ва гигиена меъёрлари.

#### **7.5.2.6. Мамлакатшунослик:**

тили ўрганилаётган мамлакатлар халқининг тарихи: тили ўрганилаётган халқнинг давлатчилик тарихи, келиб чиқиши, тараккийёт босқичлари;

тили ўрганилаётган мамлакатларнинг тарихий ва ижтимоий-сиёсий ривожланиши: хорижий мамлакатларининг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни; давлатлараро ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлари; тили ўрганилаётган мамлакатлар ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари;

мамлакат ёки минтақанинг табиий ва ижтимоий географияси, иқтисодиёти, сиёсий тузуми, сайлов тизими ва конституцияси; тили ўрганилаётган мамлакатларнинг этник таркиби, дини, маданияти ва спорти; мамлакатларнинг маиший ҳаёти, байрамлари, урф-одатлари ва халқларининг илмий, маданий мерослари; мамлакатларда кузатилаётган сиёсий ва иқтисодий жараёнлар; хорижий мамлакатларнинг тарихий ривожланиш ва замонавийлик; атлас, статистик жадваллар, сиёсий, табиий ва иқтисодий хариталар; мамлакатлар ҳақидаги керакли маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритиши;

мамлакатларнинг тарихий илдишлари ва истикболи; тили ўрганилаётган мамлакатлар, сайлов тизими, давлат қурилиши, валютаси, суд ва қонунчилиги.

### 7.5.3. Умумий фанлар мазмуни ва компонентлари

#### 7.5.3.1. Умумий психология назарияси ва амалиёти:

*умумий психология:* умумий психологиянинг объекти, вазифалари. Психология табиий ва ижтимоий фан сифатида. Психика ҳақида тушунча, психиканинг ориентировка қилувчанлик ва бошқарувчанлик вазифаси. Бош миё ва психика. Психика ва онг. Психология ва фалсафа. Шарқ мутафаккирларининг психологик қарашлари. Психика ва онгни таҳлил қилиш принциплари. Ҳозирги замон психологиясининг тузилмаси ва унинг принциплари. Психологиянинг соҳалари. Психологиянинг методлари ва унинг таҳлили. Фаолиятнинг психологик таҳлили. Мотивлар ва фаолият. Психиканинг тараккиёти. Мотивация ва эмоция психологияси. Ирода психологияси. Шахс психологияси. Шахс, индивид, индивидуаллик тушунчалари. Фрустрация ва шахснинг истикбол режалари. Конформизм. Дунёқараш ва эътиқод. Мулоқот психологияси ва нутқ. Диққат ва унинг турлари. Сизги ва идрок. Хотира ва ҳаёл. Тафаккур. Муаммоли вазият ва уни ҳал қилиш. Темперамент, унинг ўзига хос хусусиятлари.

*Ёш ва педагогик психология:* ёш ва педагогик психологиянинг предмети, унинг ривожланиш тарихи, Шарқ мутафаккирларининг қарашлари. Ёш психологиясидаги мактаблар. Ёш психологиясини ўрганиш методлари. Таълим мазмуни ва психик тараккиёт. Ёшнинг умумий характеристикаси. Ёш тараккиётини даврлаштириш. Мактабгача ёш даври характеристикаси. Кичик мактаб ёши даври психологияси. Ўсмир психологияси, ўспирин психологияси. Таълимни ва билимларни ўзлаштиришни бошқариш психологияси. Таълим ва ақлий тараккиёт. Тарбия методлари ва формалари. Бўлғуси ўқитувчи шахси сифатлари. Педагогик қобилият: назария ва амалиёт.

#### 7.5.3.2. Умумий педагогика назарияси ва амалиёти:

*педагогика назарияси:* педагогика фани, унинг предмети, методологияси, илмий-тадқиқот объекти, методлари. «Таълим тўғрисида» қонун ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури». Таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлиги. Узлуксиз таълим. Педагог кадр тавсифномаси. Педагогика фанининг мақсадига кўра тармоқлари, бошқа фанлар, шу жумладан фалсафа, психология фанлари билан алоқаси. Педагогик антропология. Шахс, таълим ва тарбия. Хорижий мамлакатлардаги тарбияга қисқача изох. Ягона педагогик жараён. Дидактика – таълим назарияси. Дидактиканинг вазифалари. Таълимнинг ривожланиш йўналишлари: узлуксиз таълим концепцияси, технонологизация концепцияси, таълим парадигмалари. Дидактик принциплар. Ўқитиш жараёни, ўқитишнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифалари. Таълимнинг психологик, физиологик асослари. Таълимда илмийлик, изчиллик, мувофиқлик, ижодийлик ва бошқа принциплар. Таълим жараёнида мотивация. Таълим методлари, воситалари ва технологиялари. Умумий ва хусусий методлар. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга қаратилган метод ва технологиялар. Метод танлаш ва мотивация. Ўқув адабиётлари ва уларнинг турлари. Электрон ўқув адабиётлари. Таълим турларининг ўзига хос хусусиятлари. Педагогик технологиялар. Таълим шакллари. Таълимни ташхис этиш. Тарбия назарияси. Тарбия жараёни, муҳити (социум), тарбия принциплари, тарбияга қўйиладиган талаблар. Тарбия метод ва технологиялари. Миллий тарбия масаласи. Тарбия турлари. Тарбия ва миллий гоё. Тарбия ва маънавият. Оила тарбияси.

*Таълим тизимини бошқариш.* Ўзбекистон Республикасида таълим тизими. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари. Таълим муассасаси, уни бошқариш. Бошқарувда васийлик ва хомийлик масалалари. Махсус (коррекцион) педагогика, унинг мақсад ва вазифалари, унинг педагог фаолияти учун аҳамияти.

*Педагогика тарихи.* Таълим, тарбия ва таълим муассасаси тўғрисидаги гоёнинг пайдо бўлиши. Энг қадимги, ўрта, янги ва энг янги даврларда тарбия, мактаб ва педагогик фикрлаш тараккиёти. Ислоҳ маданияти ва тарбия. Тарбия тўғрисида Шарқ мутафаккирларининг қарашлари. Туркистонда таълим ва тарбия. Ўзбекистонда мактаб,

маориф, таълим ва тарбиянинг ривожланиш тарихи. Мустақиллик даврида таълим ва тарбия. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида педагогик фикрларнинг хусусиятлари.

**Педагогик маҳорат:** педагогик маҳорат ва педагогик технология, педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Педагог шахси таълим амалиётида ва педагогик фикр тарихида педагогнинг маҳорати масалалари. Педагогик қобилият. Педагогнинг коммуникатив қобилияти. Мулоқот маданияти ва таълим олувчининг психологик фаолияти. Педагогик техника ва уни шакллантириш усуллари. Ўқув ва тарбия жараёнида педагог маҳорати. Педагог меҳнатини ташкил этишнинг илмий асослари. Педагогик тажриба орттириш тизими, тадқиқот методлари, ҳозирги таълим муассасаларида илғор педагогик ғоялар, тажрибаларнинг тараққиёти ва уни ҳаётга татбиқ этиш йўллари. Педагогик маҳорат тараққиёт тарихи. Мустақил малака ошириш ва ўз-ўзини назорат қилиш. Ўқув-тарбия жараёнида педагогик мулоқот маҳорати, педагогик тажриба ва уни татбиқ этиш, педагог фаолиятида шарқона муомала маданияти асослари.

#### 7.5.3.3. Чет тили ўқитиш методикаси:

чет тил ўқитиш методикасига кириш. Методика - чет тил ўқитиш назарияси. Чет тил ўқитишнинг рухшунослик, таълимшунослик ва тилшунослик асослари. Чет тил ўқитиш мақсадлари. Чет тил ўқитиш мазмуни. Чет тил ўқитиш методлари ва принциплари. Чет тил ўқитиш воситалари. Чет тил ўқитиш методикаси тарихи. Лексикани ўргатиш. Грамматикани ўргатиш. Талаффузни ўргатиш. Тинглаб тушунишни ўргатиш. Гапиришни ўргатиш. Ўқишни ўргатиш. Ёзувни ўргатиш. Нутқ кўникма ва малакаларини назорат қилиш. Чет тил дарси ва уни режалаштириш. Чет тил ўқитиш босқичлари. Чет тил бўйича дарсдан ташқари ишлар. Турли ўқув муассасаларида чет тилни ўқитиш. Коммуникатив компетенцияни ривожлантириш. Бошланғич таълимда чет тил ўқитиш муаммолари. Махсус йўналиш(соҳа)ларда чет тилини ўқитиш. EAP, ESP ўқитиш методлари. Блумнинг таксономияси. Гарднернинг аклий фаолият назарияси. Выготскийнинг назарий мероси. Пиаже ва унинг назарий қарашлари. Дьон ва унинг назарий қарашлари.

#### 7.5.3.4. Чет тил амалий курси:

ўрганилаётган тилнинг шаклланиш босқичлари; тилнинг типологик тадқиқи; ҳозирги адабий тилнинг умумий ҳолати; ёзувнинг шаклланиши, миллий ёзувнинг тарихий тараққиёти; тилнинг фонетик тизими, ёзув ва товуш муносабатлари; фонетик ҳодисалар; орфоэпия; имло хусусиятлари, пунктуация; тилнинг лугат таркиби, ўз ва ўзлашган катлам; сўз ва унинг маъноси; тилда кўп маънолик ҳодисаси; синонимия, омонимия, антонимия ҳодисалари; тилнинг морфологик қурилиши; сўз ясалиш усуллари; сўз туркумлари, уларнинг ўзига хос белгилари; грамматик категориялар; ўрганилаётган тилнинг синтактик хусусиятлари; сўз бирикмаси, эркин ва турғун сўз бирикмалари, синтагмалар; гап қурилиши, гап бўлаклари; гап турлари, содда ва қўшма гаплар; кўчирма ва ўзлаштира гаплар; нутқ жараёнида тўлиқсиз гапларнинг туган ўрни; стилистика, оғзаки ва ёзма нутқ; ўрганилаётган тилнинг функционал услублари; нутқ маданияти масалалари; ёзма ва оғзаки нутқда турли услубий воситалардан фойдаланиш; сўз бойлигини орттириш учун мўлжалланган мавзу гуруҳлари; публицистик ва бадиий адабиёт намуналари; ўрганилаётган тилдан она тилига ва она тилидан ўрганилаётган тилга таржима йўллари; матн таржимаси асослари; талабаларнинг ёзма ва оғзаки нутқини ўстириш; ўрганилаётган тилда расмий ҳужжатлар юритиш ва расмий ёзишмалар усуллари.

Тил тайёргарлиги курсини ўрганишда талабалар адабий меъёрлар доирасида маиший, илмий ва касбий соҳаларда фаолият юритиши учун чет тилда коммуникатив компетенцияни *(унинг таркибий қисмлари ҳисобланувчи лингвистик, ижтимоий лингвистик, дискурсив, стратегик, ижтимоий маданий, ижтимоий ва ўқув-когнитив компетенциялари асосида)* шакллантиришлари лозим. Тил тайёргарлиги амалий курсини ўқитиш мазмуни қуйидаги таркибий қисملарни ўз ичига олади: нутқ мавзулари, тил материали, нутқ фаолияти турларига қўйилган талаблар. Нутқ фаолиятининг тўрт тури

(тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув) бўйича нуткий тайёргарлик даражасини ўзаро боғлиқ ҳолда шакллантириш кўзда тутилади.

*Нутқ фаолияти турларига қўйиладиган талаблар фан дастурида ёритилади.*

#### **7.5.3.5. Стилистика ва матн таҳлили:**

Ўрганилаётган тил стилистикаси предмети. Лингвостилистика ва функционал стилистика. Услуб, услубий вазифа, услубий маъно, услубий бўёқ тушунчалари. Функционал услублар тавсифи ва таснифи. Лисоний ва услубий меъёрларни сақлаш. Ўрганилаётган тилнинг лексик, фонетик ва грамматик жиҳатдан услубий хусусиятлари. Микро - ва макростилистика. Услубий белгилар ва нутқ услуби. Матндаги ахборот турлари. Матндаги фактик ва концептуал ахборотни аниқлаш. Матн таҳлили ва унинг стилистика билан алоқаси. Бадиий матннинг хусусиятлари. Матн категориялари: информативлик, модаллик, боғланганлик ва тугалланганлик. Матнни идрок этиш ва унинг таҳлили. Таҳлил режаси ва намуналари. Матн сегментикаси. Матн шарҳи ва лингвопрагматика. Матндаги ахборотни аниқлашда мундарижанинг роли

#### **7.5.3.6. Тил назарияси:**

тилшунослик фанининг ўрганиш соҳаси; тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши; тил - ижтимоий ҳодиса; тил ва нутқ бирлиги; тил ва тафаккур бирлиги; тил ва нутқ қатламлари; фонетика ва фонология фанларининг шаклланиши, уларнинг ўрганиш объектлари; товушларнинг физик, физиологик ва лингвистик хусусиятлари; фонетика; фонема, фон ва аллофон тушунчалари; товушларнинг ўзгариш қонунлари; грамматика; грамматика фани шаклланишининг тараққиёт босқичлари; морфология, унинг ўрганиш доираси: морфема, морф ва алломорф; сўз таркибининг ўзгариши; тилнинг грамматик воситалари; грамматик категория; сўз туркумлари; лексикологиянинг ўрганиш мавзулари; сўз, тушунча ва предмет; синонимлар, омонимлар, антонимлар, полисемантик сўзлар; тилнинг лугат таркиби; тил лугат таркибининг бойиб бориш омиллари; лексикографиянинг ўрганиш мавзулари; синтаксиснинг ўрганиш доираси ва предмети; гап синтаксиси; синтактик боғланиш турлари ва воситалари; гапни актуал бўлақларга ажратиш масаласи; тилда матн тузиш аънаналарининг юзага келиши ва тараққиёти; тилларнинг типологик таснифи: генетик типология; тиллар оиласи тушунчаси; киёсий типология; тилларнинг функционал типологияси; ёзув; унинг адабий тил тараққиётидаги ўрни; ёзув турлари.

#### **7.5.3.7. Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти тарихи:**

тили ўрганилаётган халқ адабиётининг энг қадимий намуналари; мазкур адабиётнинг жаҳон халқлари адабиёти тарихида тутган ўрни; ўрганилаётган адабиётнинг тарихий тараққиёти; адабиёт тарихини даврлаштириш ҳамда унинг асосий тараққиёт босқичларини кўрсатиб бериш; таникли адабиёт намояндаларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотга эга бўлиш; ўрганилаётган адабиётнинг жаҳон маданий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти; хорижий мамлакатлар адабиётида адабий оқимлар, йўналишлар, адабий турлар ва жанрларнинг даврлараро тараққиёти, ўрганилаётган адабиётнинг бошқа адабиётлар билан муносабатлари, адабий алоқалар; миллатлараро адабий алоқаларнинг адабиёт тараққиётига таъсири; ўрганилаётган адабиётдаги йирик бадиий асарлар; таникли адабиёт намояндалари ижодий таъсири масаласи; ҳозирги замон бадиий услублари ва уларнинг киёсий таҳлили.

#### **Танлов фанлари**

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанлари рўйхати ва уларнинг дастурлари ОТМ Кенгаши томонидан белгиланиб, талабалар уларнинг ичидан қизиқиш ва мойшиқликларига мос келадиганларини танлаб ўқийдилар.*

#### **7.5.4. Ихтисослик фанлари блокининг зарурий мазмуни ва компонентлари**

##### **7.5.4.1. Ўрганилаётган тил тарихи:**

ўрганилаётган тил тарихи фанининг мақсади ва предмети. Герман (роман) тиллари ҳақидаги умумий маълумот. Субстрат назарияси. Герман (роман) қабилаларининг

ёзувлари. Герман (роман) тилларининг фонетик хусусиятлари. Гримм қонуни. Унли ва ундошлар. Герман (роман) тилларининг асосий грамматик хусусиятлари. От, сифат, феълларнинг турлари. Герман (роман) тиллари тарихининг даврлари. Қадимги давр. Алоҳида олинган герман (роман) тилининг пайдо бўлиши. Римликлар ва англосаксонлар истилоси. Герман ва роман давлатларининг ташкил топиши. Қадимги тилларнинг фонетик тузилиши. Унлилар. Синиш. Дифтонглашув. Аблаут ҳодисаси. Қадимги давр тилининг морфологияси ва синтаксиси. Предлоглар. Сўз ясаш усуллари. Ўрта давр тили. Фонетик, грамматик тузилишда содир бўлган жараёнлар. Роташизм. Ўрта давр тилида сўз туркумланининг ривожланиши. Отларда ўзак турлари ва феълларнинг тусланиш тизими. Аблаут ҳодисаси. Аниқ ва ноаниқ артикларнинг ривожланиши. Ўрта давр тилининг луғат таркиби ва ундаги ўзгаришлар. Янги давр тили фонетик, грамматик тузилиши ва луғат бойлигида содир бўлган ўзгаришлар. Луғат бойлигининг этимологик қатламлари. Ҳозирги герман (роман) адабий тилига асос бўлган сабаблар. Тилларнинг тарқалиши. Янги давр тилининг морфологияси. Синтаксис. Янги давр тили сўз тузилишининг ўзгариши. Луғат таркиби. Янги давр тилидаги тарихий ҳодисалар. Этимологик ва янги давр лексикасига оид ўзгаришлар. Миллий вариантларнинг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари.

#### 7.5.4.2. Назарий грамматика ва фонетика:

назарий грамматика лингвистик фан сифатида. Назарий грамматиканинг предмети, асосий тушунчалари. Морфология ва синтаксис.

*морфология:* сўзнинг морфем тузилиши. Морфема ва сўз. Морфемалар таснифи. Ўзак ва аффикс. Аффикс турлари. Префикс ва суффикс. Сўзнинг грамматик шакли ва категориялари. Синтетик ва аналитик шакллар. Сўз туркумлари. Отнинг грамматик тавсифи. Сон категорияси. Грамматик род категорияси. Келишиклар. Артикль. Феълнинг грамматик тавсифи. Феъл замонлари. Нисбат категорияси. Феълнинг тусланиши. Феълнинг ноаниқ шакли. Инфинитив. Герундий. Сифатдош. Модал феъллар. Сифатнинг грамматик тавсифи. Сифат турлари. Сифат даражалари. Равишнинг грамматик тавсифи. Равиш турлари. Равиш даражалари. Олмошнинг грамматик тавсифи. Олмош турлари. Юклама, предлог, боғловчи, ундалма, модал сўзларнинг грамматик тавсифи.

*синтаксис:* гап ва сўз бирикмаси синтактик birlik сифатида. Содда гап. Содда гапларда эга ва кесим. Феъл-кесим, от-кесим, феъл-от-кесим. Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари. Тўлдирувчи, аниқловчи, хол. Гапнинг уюшиқ бўлаклари. Бир таркибли гаплар. Эллиптик гаплар. Боғланган қўшма гап. Эргашган қўшма гап. Эргашган қўшма гапларда замонлар мослашуви. Кўчирма гап. Ўзлаштирма гап. Тиниш белгилари.

фонетика лингвистик фан сифатида. Фонетиканинг бошқа лингвистик фанлар билан алоқаси. Фонетика ва фонология. Фонологиянинг предмети ва асосий тушунчалари. Фонологик таълимотлар. И.А. Бодуэн де Куртенэ фонологик назарияси. АҚШда фонологик йўналишлар. Фонологик таҳлил ҳақида. Ўрганилаётган тил талаффузининг асосий турлари. Адабий ва маҳаллий талаффуз. Талаффузнинг стилистик вариантлари. Ўрганилаётган тилда ундош фонемалар системаси. Ундошларининг артикуляцион ва акустик таснифи. Аллофонлар. Унлилар фонемалари системаси. Монофтонглар ва дифтонглар. Урғусиз бўгинлардаги унлилар. Нутқ окимида унлилар ва ундошларнинг бирикиш ва ўрнига кўра ўзгаришлари. Бўгин тузилиши. Бўгин таърифи ва таснифи. Бўгин функциялари. Бўгин турлари. Бўгин ясалиши ва бўгин ажратиш хусусиятлари. Тилда сўз урғуси. Сўз урғусининг тавсифи ва таснифи. Сўз урғусининг функцияси. Жумла урғуси. Манتيкий урғу. Тилнинг интонацион структураси. Интонация таърифи, таснифи ва функциялари. Бир урғули гапларда пасаювчи ва кўтарилувчи интонация. Фонемаларнинг ўзгаришлари. Ассимиляция ва диссимиляция. Фонема ва урғунинг алмашинуви.

#### 7.5.4.3. Лексикология:

лексикология предмети ва унинг вазифалари. Лексикологик тадқиқот методлари. Ҳозирги замон герман (роман) тилида сўзнинг таснифи. Сўз луғат бойлигининг асосий бирлиги. Сўз ва унинг маънолари. Сўзнинг лексик маъноси. Қўш маънолик

(полисемантизм). Ҳозирги герман (роман) тилларида лексикасининг семантик таснифи. Сўз ва сўз гуруҳларининг ўзаро синонимик, антонимик, омонимик муносабатларида сўз гуруҳларининг семантик муносабатлари. Антоним ва синонимларнинг пайдо бўлиш йўллари ва манбалари. Омонимларнинг келиб чикиши ва таснифи. Тилнинг лугат системаси. Тил лугат системасининг ўзгарувчанлиги. Семантик доира ва унинг турлари. Ўрганилаётган тил лугат бойлигининг ижтимоий ва касбий қўлланиши. Умумистеъмолдаги ва ижтимоий белгили лексика. Касбий лексика, сленг, жаргон, арго. Неологизм, архаизм, историзм. Жонли сўзлашув ва поэтик лексика. Фан ва техника атамалари. Фразеологик бирликлар. Фразеография – фразеологиянинг муҳим соҳаси. Этимология. Ҳозирги герман (роман) тилларининг лугат составининг бойиши. Сўз ясалишининг турли усуллари. Чет тиллардан ўзлашган сўзлар. Лексикография – лексикологиянинг бўлими сифатида ва унинг вазифалари. Асосий лугатлар ва уларнинг тавсифи.

#### 7.5.4.4. Қиёсий типология ва таржима назарияси:

қиёсий типология фанининг предмети, мақсади ва вазифалари, қиёсий типология фанининг асосий тушунчалари, қиёсий типология фанининг тарихи, қиёсий типология фанининг асосий тадқиқот методлари ва принциплари, қиёсий типология фанининг бошқа филологик фанлар билан алоқаси. Қариндош ва турли тил оилаларига мансуб тилларнинг типологик муқоясаси хусусиятлари. Лингвистик типология. Грамматик типология. Лексик типология. Стилистик типология. Фонологик типология. Типология ва сўз ясалиш тизими. Тарихий типология. Матн типологияси, қиёсий типология ва лингводидактика. Қиёсий типология ва таржимашунослик. Қиёсий типология ва мамлакатшунослик. Қиёсий типология ва маданиятлараро мулоқот муаммолари.

Она тилидан чет тилига таржима қилиш фаолиятини ўрганиш, она тилидан кўп маъноли сўзларни чет тилига таржима қилиш, синоним сўзларнинг маъноларини чет тилига таржима қилаётганда фарқлаш, чет тилига таржима қилишда матнни стилистик таҳлил қилиш, кундалик ҳаётий мавзуларни таржима қилиш, спорт, маданият ва сиёсий мавзуларни таржима қилиш, тараққиёт ва иқтисодга оид матнлар таржимаси, техника ва sanoatga оид матнлар таржимаси, тиббиётга оид матнлар таржимаси, экологик ва жамиятга оид матнлар таржимаси, она тилида ёзилган матн, нутқ ва хабарларни ўрганилаётган тилга таржима қилиш усулларини билиш, турли соҳаларга оид матнлардаги терминологияни билиш, она тили ва таржима қилинаётган тилдаги грамматик қурилишнинг ўхшашлик ва фарқини аниқлаш, таржимада учрайдиган қўшиш, тушириб қолдириш, ўрин алмаштириш ҳодисаларини қўллаш, турли соҳага оид матиларни таржима қила олиш, амалий ва назарий қуреларда тўпланган кўникма маҳоратларини ишлата билиш.

#### 7.5.6. Малака амалиёти

*Педагогик амалиёт* мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касбунаар таълими муассасаларида ўтказилади ва унда талабалар олий таълим муассасаларида таълим дастури бўйича олган назарий билимларини илк бор амалда синаб кўриш, амалиётга татбиқ этиш малакаларини ҳосил қилади. Унинг мазмуни махсус Низом билан белгиланади.

#### Ўқув амалиёти

Амалиёт ўтказиладиган манзилга етиб олиш. Ишга тайёргарлик кўриш. Амалиёт иштирокчиларига хавфсизлик техникаси ҳақида маълумот бериш. Материал ёзиб олиш техникаси билан таништириш. Талабаларни кичик гуруҳларга ажратиш ва ҳар бир гуруҳни ўз худуди билан таништириш. Ёзиб олинган намуналарни қиёслаш, фарқларни аниқлаш. Тўпланган материалларни тартиблаштириш, окка кўчириш, ҳисобот учун маълумот тўплаш. Амалиёт охирида талабаларни баҳолаш. Амалиёт бўйича ҳисобот тайёрлаш. Амалиёт давомида тўпланган материалларни тартиблаштириш. Амалиёт раҳбарларига ҳисобот топшириш.

#### 7.5.7. Битирув иши

Битирув иш (лойиха) лар мавзулари соҳанинг ривожланиши истикболи ва фан, таълим, техника, технология ва иқтисодиётдаги замонавий ютуқлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасасининг бакалаврлар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Битирув иши(лойихаси)нинг мавзулари назарий (рефератив) ёки илмий-тадқиқот йўналишида бўлиши ҳам мумкин.

Битирув иши(лойихаси) топшириғи, одатда талабаларга учинчи курс тугатганидан кейин берилади. Битирув иш(лойиха) умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўзлаштирганлик даражаси бўйича тўртинчи курсда, шунингдек унинг бажарилиши учун ушбу стандарт томонидан белгиланган вақт давомида бажарилади.

Битирув ишнинг ҳажми бакалаврлар тайёрловчи кафедра томонидан белгиланади.

## 8. Бакалавриятнинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга бўлган талаблар

### 8.1. Бакалавриятнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар

8.1.1. Таълим дастурини ишлаб чиқишда ОТМ республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳисобга олиши керак.

ОТМлар таълим дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, иқтисодиёт, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгилаб туриши керак.

8.1.2. Таълим дастурини ишлаб чиқишда ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимий-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

ОТМ ўқув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўғарақларда, магистрларнинг илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашиши лозим.

8.1.3. Ўқув жараёнининг машғулотларини ташкил этишда фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва ҳ.к.) шакллари ўтказиш, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қўллаш назарда тутилиши керак.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказиладиган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 25 фоизи мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши керак.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказиладиган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талаба контингент хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 25 фоизи мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

8.1.4. Талабалар ўқув юқламасининг максимал ҳажми таълим дастурига ОТМ томонидан қўшимча белгиланадиган факультатив фанларни ўзлаштириш бўйича

аудитория ва аудиториядан ташқари (мустақил) таълим билан биргаликда ҳафтасига 54 академик соатдан ошмаслиги керак.

**8.1.5.** ОТМ талабалар учун ўқиш дастурини, бўлиши мумкин бўлган индивидуал таълим дастурларини ишлаб чиқишни инобатга олган ҳолда, шакллантиришда реал иштирок этиш имкониятини таъминлашга масъул.

**8.1.6.** Ўқув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларни уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништиришга, талабалар учун танлов фан(модул, курс)лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

**8.1.7.** Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ таълим дастури ўқув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни камраб олиши керак.

## **8.2. Таълим дастурларининг татбиқ этилиши**

*5111400 – Хорижий тил ва адабиёти (роман-герман филологияси)* таълим

йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури аккредетацияланган олий таълим муассасаларида ривожланаётган таълим технологияларидан, ахборот-коммуникация технологияларидан ва таълимнинг замонавий техника воситаларидан фойдаланиб тайёрлашда амалга оширилади.

Хорижий тилларни талабалар томонидан ўзлаштирилишига ҳамда педагоглар томонидан ўқитилишига эътибор устувор бўлмоғи ва шароит яратилиши керак.

Малака амалиёти замонавий корхоналарда, ташкилотларда ва ИТИ ларида ўтказилади, улар талабаларни амалиёт дастурларида кўзда тутилган иш жойлари билан таъминлашлари керак.

Ўқиш даврида талаба камида иккита Давлат аттестацияларини (гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий ва чет тили фанларидан) топширади ва битирув иши (лойҳаси) ни химоя қилади. Давлат аттестацияси мос интеграллашган курслар бўйича ўқув жараёни тугаллангандан кейин топширилади.

## **8.3. Малака амалиётини ташкил этиш талаблари**

Амалиётлар бакалаврият таълим дастурининг мажбурий қисми ҳисобланади. Амалиётлар ўқув ва (ёки) ўқув-ишлаб чиқариш машғулотлари кўринишида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёргарланганлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури - ўқув-танишув, ишлаб чиқариш ва битирув олди амалиётларини ўз ичига олади.

Ўқув-танишув амалиёти даврида - талабалар: ОТМ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, бошқа давлат ва нодавлат илмий-тадқиқот муассасалари лабораторияларининг мавзулари ва уларда илмий-тадқиқотларни ташкил қилиш ҳамда талабаларни мос йўналишдаги муассасаларга ишга жойлаштириш имкониятлари билан танишади. Амалиёт натижаси ва ҳисоботи баҳолаш меъзонлари асосида баҳоланади.

Амалиёти давомида олган назарий билимларини мустаҳкамлайдилар; умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида дарсларда иштирок этадилар. Ўқув режа ва дарс жадвали тузиш жараёни билан танишадилар. Амалиётни ўтказиш муддатлари ўқув режаси билан аниқланади. Амалиёт тугагандан сўнг талабалар бажарилган иш ҳақида амалиёт ўқитувчилари-рахбарлари ва қабул қилувчи ташкилот вакиллари билан таркиб топган комиссия олдида ҳисобот беришади. Баҳолаш шакли ўқув режасида белгиланади.

*Педагогик амалиётни* ўтказиш муддатлари ўқув режаси билан аниқланади. Амалиёт тугагандан сўнг ўқиётганлар бажарилган иш ҳақида амалиёт ўқитувчилари-рахбарлари ва қабул қилувчи ташкилот вакиллари билан таркиб топган комиссия олдида ҳисобот беришади. Амалиёт натижасини баҳолаш шакли ўқув режасида белгиланади.

Амалиёт ўтиладиган муассасаларда мавжуд бўлган услубий кўрсатмалар, намунавий дастурлар, тарбиявий иш режалари, йўриқномалар ва ҳ.к. хужжатларни

ўрганади. Ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни олиб бориш соҳасида зарурий билимларни эгаллаши тўғрисида тасаввур ҳосил қилади.

Амалиёт даврида таълим муассасаларининг ўқув-услубий бошқарма (бўлим)ларидаги аниқ бажарадиган иш фаолияти билан таниша олиши тўғрисида; битирув иши, битирув олди педагогик амалиёти ҳисоботи учун керакли бўлган маълумотларни амалиёт жойидан ола билиши борасидаги; кундалик дафтар юритиш, унда ҳар кун бажарилган иш мазмунини ёзиб бориш ва кун охирида амалиёт раҳбарига уни тақдим этиш ҳамда тасдиқлатиш хусусида; топшириқларни бажарганлиги ҳақидаги ёзма ҳисоботини кафедра профессор-ўқитувчиларидан тузилган комиссия олдида ҳимоя қила олиши тўғрисида кўникмаларига эга бўлади.

#### **8.4. Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар**

Бакалаврият таълим дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фан бўйича таянч маълумотга эга бўлган, билим, малака ва кўникмага эга бўлган юқори малакали ўқитувчилар, фан номзоди ва доцентлар, фан доктори ва профессорлар, шунингдек тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши керак.

Бакалаврият ўқув жараёнини ташкил этишда илмий-педагогик, илмий ёки илмий-методик фаолият билан шуғулланаётган кадрлар билан узлуксиз таъминланиши керак.

Таълим жараёнига амалдаги тегишли тармоқ ташкилотлари, корхоналари ва муассасаларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари ўқитувчиликка жалб этилиши мумкин.

Бакалаврият таълим дастурини амалга оширишга жалб этиладиган профессор-ўқитувчилар ҳар 3 йилда малакаларини ошириб боришлари лозим.

#### **8.5. Таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари**

Таълим дастури таълим дастурининг ҳамма ўқув курслари, фанлари (модуллари) бўйича ўқув-методик ҳужжатлар ва материаллар билан таъминланиши керак.

Таълим дастурининг амалга оширилиши ҳар бир талаба таълим дастуридаги фан (модул)ларнинг тўлиқ рўйхати бўйича шаклландирган маълумотлар базаси ва АРМ фондидан фойдаланиш ҳуқуқи билан таъминланиши керак.

Таълим дастури бўйича ҳар бир талаба ўрнатилган меъёрларга мос равишда таълим дастурига кирувчи касбий циклнинг ҳар бир фани бўйича ўқув ва ўқув-методик чоп этилган ёки электрон нашрлар билан таъминланиши керак.

АРМнинг асосий фонди охириги 10 йилда (гуманитар, ижтимоий ва иқтисодий циклнинг базавий фанлари учун – охириги 5 йилда) чоп этилган ҳамма циклларнинг базавий қисми фанлари бўйича ўқув адабиётининг чоп этилган ёки электрон нашрлари билан тўлдирилган бўлиши керак.

Ўқув адабиётидан ташқари қўшимча адабиёт фонди расмий маълумотнома-библиографик ва даврий нашрларни ўз ичига олиши керак.

Таълим дастурини тўлиқ амалга ошириш учун ОТМнинг АРМда таълим йўналишининг ўқув режасида келтирилган фанлар бўйича яратилган адабиётлар, ўқув-методик қўлланмалар ( камида ҳар 6 нафар талабага 1 та адабиёт) бўлиши лозим.

Мамлакатимиздаги ва чет элдаги олий таълим муассасалари, корхоналари ва ташкилотлари билан оператив равишда ахборот алмашиш, замонавий касбий маълумотлар базалари, ахборотлар ва кидирув тизимларидан фойдаланиш имконияти билан таъминланган бўлиши керак.

**5111400 – Хорижий тил ва адабиёти (роман-герман филологияси)** таълим йўналиши бўйича бакалаврни тайёрлаш жараёнида асосан қуйидаги педагогик технологиялар ва ўқитиш методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- ўқитишнинг интерфаол методи,
- муаммоли ўқитиш технологияси,
- ўйинли технологиялар,
- танқидий фикрлаш ривожланишининг педагогик стратегиялари,

шахсий йўналганлик асосидаги педагогик технологиялар,  
ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил қилиш асосидаги педагогик технологиялар,

ўқитишни дифференциациялаш,  
ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси,  
дастурий ўқитиш технологияси,

ўқитишнинг комплекс методлари (лойихавий метод, тармоқли режалаштириш методи, аклий хужум, ассоциограммалар методи ва ҳ.к.)

#### 8.6. Ўқув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар

Бакалавр тайёрлашнинг таълим дастурини амалга оширувчи ОТМ ўқув дастурида назарда тутилган маъруза, амалий, семинар, лаборатория машғулотлари ҳамда курс иши, амалий ва илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун санитария-гигиена, ёнғинга қарши қондалар ва меъёрларга мос келадиган моддий-техника базасига эга бўлиши керак.

Бакалавр таълим дастурини амалга ошириш учун ОТМ нинг минимал зарур бўлган моддий-техник базаси:

- маъруза аудиториялари;
- семинар ва амалий машғулотлари аудиториялари;
- илмий-тадқиқот ишини ўтказиш учун лабораториялар;
- ўқув машғулотларида кўргазмали материалларни намойиш қилиш учун турли хил аппаратуралар;
- амалий машғулотлар ва лаборатория ишларини ўтказиш учун ўқув дастурига мос асбоб-ускуна ва жиҳозлар;
- илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун зарур лаборатория жиҳозлари;
- интернет тармоғидан фойдаланиш учун глобал тармоққа уланган компьютер синфлари;
- семинар машғулотларини ўтказиш ҳамда чет тилини ўрганиш бўйича лингафон синфлари билан таъминланган бўлиши керак.

## 9. Бакалавр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш

9.1. Бакалаврият йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш куйидагилардан иборат:

**ички назорат** – ОТМ томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган назоратнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом асосида ўтказилади;

**яқуний давлат назорати** давлат таълим стандартига мувофиқ фанлар бўйича яқуний давлат аттестацияси ва бакалавр битирув иши ҳимоясини ўз ичига олади;

**давлат-жамоат назорати** олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади;

**ташқи назорат** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тайёрланган кадрлар сифатини баҳолаш кадрлар истеъмолчилари томонидан уларнинг меҳнат фаолияти жараёнида амалга оширилади.

9.2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21 – сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ тартибга солинади.

9.3. ОТМ томонидан талабалар компетентлигини баҳолаш ва назорат қилиш тизими уларнинг бўлажак касбий фаолиятига максимал даражада бўлиши учун шароитлар

яратилиши керак. Бунинг учун муайян фан ўқитувчиларидан ташқари ташқи экспертлар сифатида иш берувчилар, турдош фанлардан дарс берувчилар ва бошқалар бу жараёнга фаол жалб этилиши лозим.

**9.4.** Яқуний давлат аттестацияси бакалавр битирув иши ҳимоясини ўз ичига олади.

Битирув ишининг мазмуни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг яқуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳақидаги Низом асосида белгиланади.

**9.5.** Олий таълим муассасаси:

– ушбу стандартдаги талабларга риоя қилиниши;  
– профессор–ўқитувчилар таркиби ва ўқув–ёздамчи ходимлар малакавий талабларга тўла мос келиши;

– ҳар бир фан дастурида назарда тутилган ўқув–методик адабиётлар, ўқув–услубий мажмуалар, шунингдек, мустақил таълим ва мустақил тайёргарлик учун материаллар билан таъминланганлиги;

– ўқув жараёнининг моддий–техникавий таъминланганлиги учун тўла масъулдир.

## 10. Эслатма

**10.1.** Олий таълим муассасасига:

– ушбу стандартда назарда тутилган минимал мазмунни таъминлаган ҳолда талабанинг ҳафталик максимал юкласини оширмасдан ўқув материални ўзлаштиришга ажратилган соатлар ҳажмини ўқув фанлари блоклари учун 5% оралиғида, блокга кирувчи ўқув фанлари учун 10% оралиғида ўзгартириш;

– ўқув фанлари мазмунига фан, техника ва технологияларнинг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилади.

Талабанинг битирув иш(лойиҳаси) мавзуси олий таълим муассасасининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

**10.2.** Курс ишлари (лойиҳалари) муайян ўқув фаолиятининг бир тури сифатида қўрилади ва ушбу ўқув фанини ўзлаштириш учун ажратилган соатлар чегарасида бажарилади.

**10.3** ДТСни билиш профессор–ўқитувчилар таркибини танлов асосида саралаш шартларидан бири ҳисобланади.

**10.4.** 5111400 – *Хорижий тил ва адабиёт (роман-герман филологияси)* таълим бакалаврият йўналиши ўқув режаси ҳафталик аудитория ўқув юкласи 32 соат бўлган структура асосида ишлаб чиқилади.

## 11. Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати

**11.1.** ДТС ўрнатилган тартибда тасдиқланиб, “Ўзстандарт” агентлигида давлат рўйхатидан ўтгандан кейин амал қилиш муддати – 5 йил.

**11.2.** Давлат бошқарувининг ваколатли органлари томонидан давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий этиш тўғрисида янги тартиб–қоидалар қабул қилинса ДТСнинг амал қилиш муддати ўзгариши мумкин.

STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT  
KAZORATI NI MUHOFAZALASHTIRISH VA  
AXBOROT TECHNOLOGIYALARINI  
JORIY ETISH BOSHQARMASI

5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (роман-герман филологияси) бакалаврият таълим бакалаврият йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

Т.р	Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари	Умумий юкламанинг хажми, соатларда
<b>1.00</b>	<b>Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар</b>	<b>1704</b>
<b>2.00</b>	<b>Математик ва табиий-илмий фанлар</b>	<b>784</b>
2.01	Олий математика асослари	100
2.02	Информатика ва ахборот технологиялари.	230
2.03	Ёш физиологияси ва гигиена	100
2.04	Экология ва табиатни муҳофаза қилиш	128
2.05	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	128
2.06	Мамлакатшунослик	98
<b>3.00</b>	<b>Умумқасбий фанлар</b>	<b>3672</b>
3.01	Умумий психология назарияси ва амалиёти	196
3.02	Умумий педагогика назарияси ва амалиёти	240
3.03	Чет тили ўқитиш методикаси	258
3.04	Чет тил амалий курси	2312
3.05	Стилистика ва матн таҳлили	128
3.06	Тил назарияси	128
3.07	Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти тарихи	156
	<i>Танлов фанлари</i>	254
<b>4.00</b>	<b>Ихтисослик фанлари</b>	<b>734</b>
4.01	Ўрганилаётган тил тарихи	98
4.02	Назарий грамматика ва фонетика	194
4.03	Лексикология	128
4.04	Қиёсий типология ва таржима назарияси	228
	<i>Танлов фанлари</i>	86
<b>5.00</b>	<b>Қўшимча фанлар</b>	<b>450</b>
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>7344</b>
	<b>Малака амалиёти</b>	<b>756</b>
	<b>Битирув иши</b>	<b>270</b>
	<b>Аттестациялар</b>	<b>1026</b>
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>2052</b>
	<b>ҲАММАСИ:</b>	<b>9396</b>

U'ZSTANDART AGENTLIGA  
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT  
BAZORATINI MUHOFIQLASHTIRISH VA  
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI  
JORIY ETISH BOSHQARMASI

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

## Таянч сўзлар:

тилнинг фонетик тизими, ёзув ва товуш муносабатлари; фонетик ходисалар; орфоэпия; орфография; имло хусусиятлари, пунктуация; тилнинг лугат таркиби, ўз ва ўзлашган қатлам; сўз ва унинг маъноси; тилда кўп маънолилиқ ходисаси; сўз маъносининг тораёйиши ва кенгаёйиши; метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлиқ; синонимия, омонимия, антонимия ходисалари; тилнинг морфологик қурилиши; сўз ясалиш усуллари; сўз туркумлари, уларнинг ўзига хос белгилари; грамматик категориялар; ўрганилаётган тилнинг синтактик хусусиятлари; сўз бирикмаси, эркин ва тургун сўз бирикмалари, синтагмалар; гап қурилиши, гап бўлаклари; гап турлари, содда ва қўшма гаплар; кўчирма ва ўзлаштирама гаплар; нутқ жараёнида тўлиқсиз гапларнинг тутган ўрни; стилистика, оғзаки ва ёзма нутқ; ўрганилаётган тилнинг функционал услублари; нутқ маданияти масалалари; ёзма ва оғзаки нутқда турли услубий воситалардан фойдаланиш; сўз бойлигини орттириш учун мўлжалланган мавзу гуруҳлари; публицистик ва бадий адабиёт намуналари; ўрганилаётган тилдан она тилига ва она тилидан ўрганилаётган тилга таржима йўллари; матн таржимаси асослари; талабаларнинг ёзма ва оғзаки нутқини ўстириш; ўрганилаётган тилда расмий ҳужжатлар юритиш ва расмий ёзишмалар усуллари; бадий адабиётнинг умумий хусусиятлари, унинг вазифаси, бадий асарнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг бошқа типдаги матилардан фарқи, асарнинг бадийлигини таъминловчи воситалар; бадий асарларнинг турлари ва жанрлари; миллий адабиёт ва индивидуал ижодкорнинг адабий-ижодий новаторлиги масаласи; адабий оқимлар ва услублар; адабий матн таҳлили; тили ўрганилаётган халқ адабиётининг энг қадимий намуналари; мазкур адабиётнинг жаҳон халқлари адабиёти тарихида тутган ўрни; ўрганилаётган адабиётнинг тарихий тараққиёти; адабиёт тарихини даврлаштириш мезонлари ҳамда унинг асосий тараққиёт босқичлари; таникли адабиёт намояндalarининг ҳаёти ва ижоди; ўрганилаётган адабиётнинг жаҳон маданий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти; хориж мамлакатлари адабиётида адабий оқимлар, йўналишлар, адабий турлар ва жанрларнинг даврлараро тараққиёти, ўрганилаётган адабиётнинг бошқа адабиётлар билан муносабатлари, адабий алоқалар; миллатлараро адабий алоқаларнинг адабиёт тараққиётига таъсири; ўрганилаётган адабиётдаги йирик бадий асарлар; таникли адабиёт намояндalari ижодий таъсири масаласи; ҳозирги замон бадий услублари ва уларнинг қиёсий таҳлили.

U'Z STANDART AGENTLIGA  
 STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT  
 HAZORATINI BUYUQIDLASHTIRISH VA  
 AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI  
 JORIY ETISH BOSHQARMASI

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚУВЧИЛАР:**


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази

Директор  проф. Б.Х.Рахимов

2014 йил « 29 » январь

М.Ў.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Ректор  Ш. Каюмов

2014 йил « 28 » январь

М.Ў.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Ректор  Ш. Шарипов

2014 й. « 4 » февраль

М. Ў.


**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Миллий университети

Ректор  Ф. Мухамедов

2014 йил « 4 » февраль

Республика таълим маркази

Директор  И. Зокиров

2014 й. « 4 » февраль

М.Ў.

ЎЗСТАНДАРТ АГЕНТЛИГА  
СТААНДАРТЛАСHTIRISH, ДAVЛАТ  
ИЗОРЛАНИ БУВОТИДЛАСHTIRISH VA  
АХБОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ  
ЎРГАТТИШ БУСУДАРАС

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Давлат тест марказида  
экспертизадан ўтказилди



Директор

Б.Исмаилов

2014 йил « 3 » март

Эксперт гуруҳи аъзолари:

Ф.И.Ш.	Лавозими	Имзо
Раимова Л.Р.	ДТМ беш эканера	
Рўзметов Х.К. УзМУ	кафедра мудири	
Назайметдинов УзМУ	каф. мудири.	
Ў. Жафаров УзМУ	СамДУ филолог- ия факультети декани, ф.ф.н	
Н.А. Рахмонов УзМУ	УзМУ профессор	
Матенова Ю.У. ЎТГПУ им. Нусратулло Х.Ф.Н. доцент	зав. кафедрой к.ф.н. доцент	

**ТАСДИҚЛАЙМАН:**

Ўзбекистон Республикаси



Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг  
биринчи ўринбосари, "Ўзлуксиз таълим  
тизими стандартлари"ни стандартлаштириш  
бўйича техник қўмита раиси

**О'z DSt \_\_\_:201\_\_"5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (роман-герман филологияси)" бакалавриат таълим йўналишининг давлат таълим стандарти лойиҳасини "Ўзлуксиз таълим тизими стандартлари"ни стандартлаштириш бўйича техник қўмитада техник экспертизадан ўтказиш бўйича Хулоса**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2014 йи л 23 майдаги "Ўзлуксиз таълим тизими стандартларини стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг Низоми ва таркибини қайта тасдиқлаш тўғрисида"ги 10ққ/31ққ/36/1-қ - сонли қўшма қарорига асосан тайёрланган **О'z DSt \_\_\_:201\_\_"5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (роман-герман филологияси)"** бакалавриат таълим йўналишининг давлат таълим стандарти лойиҳаси "Ўзстандарт" агентлиги билан келишилган шакл асосида техник экспертизадан ўтказилди.

**О'z DSt \_\_\_:201\_\_"5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (роман-герман филологияси)"** бакалавриат таълим йўналишининг давлат таълим стандарти лойиҳаси Республикадаги кадрлар тайёрловчилари ва истеъмолчилари билан ўзаро келишилган.

Техник экспертизадан ўтказилган **О'z DSt \_\_\_:201\_\_"5111400 – Хорижий тил ва адабиёт (роман-герман филологияси)"** бакалавриат таълим йўналишининг давлат таълим стандарти лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига, стандартлаштириш Давлат тизими, ўлчов бирликларини таъминлаш Давлат тизими, сертификатлаштиришнинг миллий тизими, стандартлаштиришнинг тармоқлараро тизими талабларига мос келади ва "Ўзстандарт" агентлигида Давлат рўйхатидан ўтказишга тавсия этилади.

Техник қўмита раиси  
ўринбосари

З.Ахмедов

Техник қўмита масъул котиби

А.А.Ходжаев

Олий таълим стандартларини  
стандартлаштириш бўйича  
кичик қўмита котиби

А.А.Умаров

Ишчи гуруҳ:

Б.Атаниязов

Д.Эргашев

С.Умарова